№ 11 1982
Гос. книжная палата УзССР

КПСС XXVI
СЪЕЗДИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
газетаси

ГАЗЕТА
1974 ЙИЛ
1 ЯНВАРДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

11 АВГУСТ, 1982 ЙИЛ
ЧОРШАНБА
№ 183 (2.589).
Баҳоси 3 тийин.

60 ЙИЛЛИГИГА ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАР
СССР

СССРнинг шонли 60 йиллиги шарафига давом этаётган зарбдор ҳафталикларда республикамиз дала ва фермаларининг марду-майдонлари совет кишиларига хос ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

9 августдан бошланган қирқинчи зарбдор ҳафталик Совет Латвиясига бағишланмоқда.

ЭЛ ДАСТУРХОНИ СЕРОБ БЎЛСИН

Серқуёш ўлкамизда авжи пишиқчилик палласи. Таърифи достонларга сиғмас боғларимиз болга тўлган ҳозир. Деҳқонларимиз, боғбон ва соҳибкорларимизнинг куч-ғайрати, шижоати, фидокорона меҳнати билан етиштирилган ана шу ноз-неъматларни сира нобуд қилмай, тезроқ йиғиб-териб олиб, эл дастурхонига тортиқ қилиш ҳозирги кунда олдимизда турган энг долзарб, энг муҳим вазифадир.

КПСС Марказий Комитети май Пленумида қабул қилган мамлакатимизнинг Озиқ-овқат программаси шу йилнинг ўзидаёқ ўз самараларини, натижаларини бера бошлаши зарур. Илғор областлар, районлар ва хўжаликлар эл олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда партия режаларини рўёбга чиқариш йўлида алоҳида ташаббус, алоҳида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари сотишда республика кўчма Қизил байроғини қўлга киритган Сурхондарё ва Андижон областлари, Калинин, Пахтачи ва Тахтакўпир районлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Сурхондарё области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари сабзавот, ҳўл мева ва картошка сотиш йиллик планларини аллақачон ортиғи билан бажариб қўйдилар. Лекин шунга қарамай область далаларида сабзавот, мева тайёрлаш суръатлари бўшашаётгани йўқ. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари хўжаликларда ишни пухта ташкил этиш, тайёрлов ва транспорт ташкилотлари ходимларининг масъулиятини ошириш, етиштирилган барча ноз-неъматларни йиғиб-териб олиш, кўнгилдагидек асраш ва қайта ишлаш учун қўшимча тадбирларни кўрмоқдалар.

Саҳий еримиз, олтинга тенг тупроғимиз ҳақиқий деҳқон қўлида, тадбиркор, меҳри дарё мутахассис ихтиёрида чинакамига мўъжизалар яратиши мумкин эканлигини бу йилги пишиқчилик палласи яна бир бор кўрсатиб турибди. Бундай кишилар сабзавот ва полиззорларимизни, боғларимизни чинакамига битмас-туганмас конга айлантирмоқдалар. Масалан, Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли ихтисослашган совхоз давлатга картошка сотиш планини қарийб икки баравар ошиғи билан адо этди. Калинин районидаги «Москва» колхози боғбонлари эса ҳўл мева сотиш планини ҳозирнинг ўзидаёқ 241 процент қилиб бажардилар. Тошкент райони хўжаликлари ҳам бу йил икки план миқдорида картошка етиштиришга аҳд қилганлар. Бу ноз-неъматлар фақат республикамиз меҳнаткашлари дастурхонигагина эмас, балки Москва ва Ленинград, Новосибирск ва Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ аҳолисига, БАМ Тюмень ва Ноқоратупроқ зонага ҳам етказиб берилмоқдаки, бу билан биз қардош халқлар олдидаги ўз интернационал бурчимизни бажаряпмиз.

Айни пишиқчилик —сабзавоткор, боғбон ва соҳибкорларимиз учун авжи қисталанг палла. Чунки пишиб етилган мева ва сабзавот ўз вақтида йиғиб-териб олинмаса, нобуд бўлади. Бинобарин, кишиларимиз меҳнати эвазига етиштирилган ноз-неъматлар исроф қилинади. Бунга сира-сира йўл қўйиш мумкин эмас. Афсуски, бир қатор областлар ва районларда мўлжалдаги ҳосил бўлишига қарамай, уни йиғиб-териб олиш кўнгилдагидек ташкил этилмаётир. Оқибатда вақт қўлдан бой берилмоқда, маҳсулотлар нес-нобуд бўлмоқда. Масалан, Фарғона Жиззах ва Самарқанд областларида картошка тайёрлаш суръатлари ниҳоятда суст бормоқда. Йиғим-терим ишларини ташкил этишда хўжалик раҳбарларига нисбатан лозим даражада талабчанлик бўлмаётганлиги сабабли бу соҳадаги ишлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ҳам анча суст бормоқда. Сирдарё ва Наманган областларида эса сабзавот тайёрлашда орқада қолинмоқда. Мазкур областларда мева тайёрлаш суръатлари ҳам қаноатланарли эмас. Бошқа областларда бу соҳадаги топшириқлар ортиғи билан адо этилган бир вақтда мазкур областларда ҳўл мева тайёрлаш топшириғи эндигина 50 процент атрофида бажарилди. холос.

Ҳозирги долзарб паллада кунлар эмас, балки ҳар бир соат ҳисобда бўлмоғи даркор. Хўжаликлардаги ишга яроқли меҳнат аҳли, барча моддий-техника воситалари пишиб етилган мева-сабзавотни тезроқ йиғиб-териб олишга сафарбар этилмоғи лозим. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, тегишли министрликлар тайёрлов ташкилотлари, автомобиль ва темирйўл транспорти, қабул пункти ноз-неъматларни қайта ишловчи заводлар ишини пухта ташкил этиш, узилишларга йўл қўймаслик, маҳсулот нобудгарчилигининг олдини олиш чораларини кўришга даъват этилгандирлар.

Яқинда матбуотда Ўзбекистондаги илғор бригада бошлиқларининг шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари, тайёрлов ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари, транспорт ва савдо корхоналарининг ходимларини етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиб, тўла сақлаб қолиш ва қисқа муддатда қайта ишлаш учун курашдаги куч-ғайратларини бирлаштиришга даъвати матбуотда эълон қилинди. «Ҳар биримиз қалбимиз ва онгимиз билан шуни англаб олишимиз керакки,—дейилади даъватномада, —...пешона теримиз билан етиштирилган барча маҳсулотларни тўла сақлаш мамлакат олдидаги, бутун жамият олдидаги шарафли бурчимиздир. Бу ишда шахсан иштирок этиш ва виждонан меҳнат қилиш СССР Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишнинг гаровидир».

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети яқинда «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг матлубот кооперацияси ташкилотларига ва колхоз бозорларида мева ва сабзавот маҳсулоти сотишини кенгайтиришга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Аҳоли таъминотини янада яхшилаш мақсадини кўзлаб қабул қилинган бу ҳужжатда колхозларнинг, совхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг матлубот кооперацияси ташкилотларига ва колхоз бозорларида маҳсулот харид қилиш план ҳажмининг 10 процентигача бўлган миқдордаги сабзавот, полиз экинлари, ҳўл мева ва резавор мевани (ширали узум, пиёз ва саримсоқ пиёздан ташқари) реализация қилишларига, шунингдек, мазкур экинларнинг пландан ташқари маҳсулотини томонларнинг келишувига биноан белгиланган нархлар билан реализация қилишларига ижозат берилди. Бу маҳсулот давлат харид плани бажарилишида ҳисобга олинади. Бундай маҳсулотлар харид қилиш давлат планлари белгиланмаган хўжаликлар эса етиштирган маҳсулотларини ўз ихтиёрлари билан реализация қиладилар. Колхоз бозорлари ҳузурида савдо хизмати бюроси тузишни кенг жорий этиш, хўжаликларга савдо қилиш ва мол асраш учун зарур жойларни ажратиб бериш, шунингдек бозорларда колхоз ва совхозларнинг магазинларини, палаткалари ва дўконларини очиш таклиф қилинди. Кўриниб турибдики, эндиликда колхоз бозорлари янада турли хил ноз-неъматлар билан тўлади, бинобарин, элимиз дастурхони янада бой бўлади. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари колхоз бозорлари ишини яхшилаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча тадбирларни кўришлари керак.

Халқимизнинг ўсган талабларини ҳисобга олган ҳолда КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига жавобан ҳар бир район, ҳар бир хўжаликда мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш имкониятларини қидириб топиш, бу йўлда барча резервларни ишга солиш талаб қилинади. Айни пайтда кишиларимизнинг меҳнати билан етиштирилган бутун ҳосилни сира нобуд қилмай ўз вақтида йиғиштириб олиш, уларни яхши асраш, қайта ишлаш ниҳоятда муҳимдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти истеъмолчига етиб борадиган бутун занжирнинг ҳамма халқаларига эътиборни кучайтирайлик. Етиштирилган барча ҳосилни нобуд қилмай эл дастурхонига етказиб берайлик.

Шу куннинг қаҳрамонлари



Ҳалол меҳнат қилсанг, умр сўқмоқларида нурли излар кўп бўлади. Чиндан ҳам шундай. Меҳнат кишига бахт-саодат, иззат-икром келтиради. Инсоннинг умр йўлини ёритадиган ёрқин ёғдулар ҳам мана шулар-да.

Кўкрагида қаҳрамонлик нишони порлаб турган Абдулла Олимов ҳам шу меҳнат туфайли халқ ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Абдулла ака узоқ йиллардан буён Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхозига раислик қилиб келмоқда. Катта хўжаликни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Бу масъулиятли вазифанинг ҳам ўзига яраша заҳматлари бор. Бировни ака, бошқасини ука деб, кишилар қалбига йўл топиш, уларни керакли нарса билан таъминлаш билимдонликни, маҳоратни талаб қилади.

«Қирққизобод» колхози бир неча йилдан бери сурункасига пахтадан юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Бунда тажрибали раҳбар Абдулла Олимовнинг катта ҳиссаси бор. Партия ва ҳукуматимиз Абдулла аканинг фидокорона меҳнатини муносиб тақдирлаб, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берди.

Хўжалик пахтакорлари юбилей йилида ҳам улкан марраларни кўзлаганлар. Ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаган заршунослар шу кунларда ғўза парваришини намунали давом эттирмоқдалар. Давлат хирмонига 7 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» ҳосили етказиб бериш учун астойдил ишлаётган азаматлар зиммадаги мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш ниятида бор куч ва имкониятларини ишга солаётирлар. Хўжалик «оқ олтин» бунёдкорлари тадбиркорлик билан иш тутиб, ўз ваъдаларини албатта бажарадилар ва СССРнинг 60 йиллик қутлуғ тўйини ёруғ юз билан кутиб оладилар.

Э. ИБРОҲИМОВ.

Рассом Маҳмуд Жўраев чизган суратда колхоз правлениеси раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Олимовни кўриб турибсиз.

ҚАДРЛИ МАККАЖЎХОРИКОРЛАР!

ЎРИМ-ЙИҒИМНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН КОМБАЙНЛАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БЕШИКАСТ ВА БЕКАМИ-КЎСТ ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК ⊙ ҲАР БИР ЎРИМ АГРЕГАТИНИ ИККИ СМЕНАДА, ЮҚОРИ УНУМЛИ ИШЛАТАЙЛИК ⊙ ЎРИМ-ЙИҒИМ-ТРАНСПОРТ ОТРЯДЛАРИ СОСТАВИДАГИ БИРОН-БИР МЕХАНИЗМНИНГ ТЎХТАБ ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙ, ИШНИ КОНВЕЙЕР УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК ⊙ ҲОСИЛНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЙИҒИШТИРИБ ОЛСАНГ ЮТАСАН, КЕЧИКСАНГ ЮТҚАЗАСАН, ДЕГАН ХАЛҚ ҲИКМАТИ ҲАМИША ЁДИМИЗДА БЎЛСИН.

ТАШАББУС ТУҒИЛГАН ЖОЙДА

Шу йил март ойининг ўрталари эди. «Октябрь» колхозининг коммунист Усмонжон Тожибоев бошлиқ маккажўхоричиликка ихтисослашган бригаданинг ҳам дон, ҳам озуқа етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини райком бюроси кўриб чиқди. Тадбирлар мутахассис ва тажрибакорлар томонидан реал имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда пишиқ-пухта ишлаб чиқилган эди. Шунинг учун ҳам у бюрода бир овоздан маъқулланиб, кўп ўтмай район газетасида эълон қилинди.

Бу бригада аъзолари учун юксак ишонч эди. Улар буни сидқидилдан ҳис қилиб, белгиланган тадбирларни амалга оширишга киришиб кетдилар. Ерлар барвақт ва сифатли текисланиб, экиш-тикиш энг қулай агротехника муддатларида ўтказилди. «ВИР-348» нав уруғи бехато униб чиқди. Уялаб экилгани учун яганага эҳтиёж бўлмади. Коллектив қатор ораларига комплекс ишлов беришни уюшқоқлик билан бошлаб юборди.

Ўшандан сал вақт ўтиб область газетасида маккажўхоричилик, ғаллачилик, шоличилик бригадирларининг «Озиқ-овқат программасини амалга оширамиз!» шиори остида барча ҳамкасбларига мурожаати эълон қилинди. Ўн бир ташаббускорнинг бири Усмонжон Тожибоев эди.

Айқиронликлар У. Тожибоевнинг яхши билишади. У ўрта мактабни битириб ўз қишлоғи даласида қолди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта махсус таълим олди. Сўнгги йилларда ҳам дон, ҳам озуқа етиштиришни кўпайтириш омилларидан бўлган маккажўхоричиликни ўз зиммасига олиш истагини билдирди. Шу ҳақдаги аризаси бажонидил қондирилди.

Сўз бериш осон. Амалда унинг устидан чиқиш ҳисоб. Буни У. Тожибоев чуқур ҳис қилади. Шунинг учун ҳам ўша кенгашдан кейиноқ аъзоларини тўплади. Бор гапни айтиб, уларни маҳкам туришга чақирди. Ишонч қозонган одамнинг гапи ҳеч қачон ерда қолмайди. Аъзолар бригадир бошлаган ишни сидқидилдан маъқуллаб, енг шимариб унинг ёнига киришди. Ишлар юришиб кетди.

Яқинда ташаббускорлар даласида бўлдик. Экин авжини кўриб кўз қувонади. Паст-баланди йўқ, ҳаммаси бир хилда. Ҳар туп маккажўхорида ўрта ҳисобда 2,5 тадан сўта ҳисобладик. Бунга ҳали яна қўшилади. Усмонжоннинг ҳам, коллектив деҳқонларининг ҳам кўнгли хушнуд. Улар билан суҳбатда кўп нарсаларни билиб олдик. Ҳамма цикллар райком тасдиқлаган тадбирлар асосида амалга ошириляпти. Ҳозир улар ўрим-йиғимни бошлаб юбордилар.

Бригада коллективи ўтган йил план-топшириқларини ҳам ошириб бажарган эди. Лекин деҳқончиликда чегара бўлмайди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда гектаридан 100 центнердан «қаҳрабо дон», 450 центнердан силосбоп кўк масса олиш мақсад қилинган. Бу марра эгалланса, дон ҳосилдорлиги 16,5 центнерга, кўк масса 50 центнерга кўпайган бўлади. Даладаги мўл ҳосил ташаббускорларининг омади келганлигидан далолат бериб турибди. М. Азимов, А. Отабоев, Б. Исоқов, Ё. Норматов. А. Исмонов, Т. Саидамов каби механизатор ва ишчилар ўрим-йиғим сифатини, таъминлашга доир агротехника тадбирларни амалга оширишда катта жонбозлик кўрсатдилар.

Коллективнинг ҳисоб-китобига қараганда ўтган йилдагидан 10 кун илгари маккажўхори ўримига киришилди. 5 та маккажўхори ўриш комбайнлари, дон ташишга 8 та, силосга 20 та прицеп ажратилди. Комбайнчи ва тракторчиларнинг сифат состави қайта қараб чиқилиб, улар сафи Муродилла Кўпайсинов, Олим Болтабоев, Йўлдошбой Тўйчибоев сингари тажрибакорлар билан мустаҳкамланди.

Ташаббускорлар даласидан қайтарканмиз, барқ уриб кўкка бўй чўзаётган яшил маккажўхоризорлар олислардан кўзга ташланиб турарди.

С. ТУРҒУНОВ.
Чортоқ райони.

Пешку районидаги маккажўхоричиликка ихтисослашган «СССР 60 йиллиги» совхозининг азамат механизаторлари ўрим-йиғимни қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун курашмоқдалар. Раҳима Эргашева бошлиқ бригада механизаторлари ўримда пешқадамлик қилишяпти. Бригада 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 120 центнердан дон ва 500 центнердан кўк поя олишга аҳд қилган.

Суратларда: «Херсонец-200» комбайнининг ҳайдовчиси Истат Бобоқулов. Ўнгда ўрим-йиғим пайти.

Ҳ. Қурбонов фотолари.

ТЎРТ КУН ИЧИДА

Қамаши районидаги «Қорабоғ» совхозидан Ленин комсомоли мукофоти лауреати Зулфия Пардаева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси 50 гектар майдондаги мўл «қаҳрабо дон» ҳосилини атиги тўрт кун ичида ўриб-йиғиб олди. Ёш деҳқонлар ҳар гектар ердан 130 центнер дон йиғиштириб олиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар.

Бу муваффақиятга ўрим-йиғим-транспорт отряди барча звеноларининг аниқ-пухта ишлаганлиги, машина-механизмлардан моҳирлик билан фойдаланилганлиги, ёш маккажўхорикорларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилди. Комбайнчилардан Азамат Ҳақбердиев билан Мусулмон Пўлатовлар бир грамм ҳам донни нобуд қилмадилар. Ҳозир деҳқонлар шу майдонда қўшиб экилган хашаки лавлаги экинини парвариш қилишга киришдилар.

Бу йил бригада ҳар гектар ердан 500 центнер илдиз мева йиғиштириб олишни мўлжалламоқда.

КОМСОМОЛЛАР ДАЛАСИНИНГ ҲОСИЛИ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Қува бўрдоқичилик базасининг механизатори Олмахон Аҳмедова ўзининг «Херсонец» комбайнида дастлабки қирқ тонна «қаҳрабо дон» йиғиштирди. У бошчилик қилаётган бригада мўл маккажўхори ҳосили етиштираётганлиги билан шуҳрат қозонган. Ўрим-йиғимнинг дастлабки кунларидаёқ меҳнат коллективи илгари планда белгиланган гектар бошига 100 центнер эмас, балки 120 центнердан дон олиш юзасидан эзгу маррадан ўзиб кетажагини кўрсатди.

Фарғона областида ҳар гектар маккажўхори майдонидан мўл ҳосил олиш учун курашга 314 та комсомол-ёшлар бригадаси қўшилди. Ўрим-йиғим-транспорт звенолари аниқ-пухта ишлаб турибди. Областнинг ёш деҳқонлари 140 минг тоннадан кўпроқ «қаҳрабо дон» йиғиштириб олиб, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

КОСМИК ФАЗОНИ ТИНЧЛИК МАҚСАДИДА ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШГА БАҒИШЛАНГАН БМТ ИККИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Космик фазони тинчлик мақсадида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишга бағишланган БМТ иккинчи конференциясининг қатнашчиларини самимий табриклайман.

Сизнинг конференциянгиз шонли сана — космик даврининг йигирма беш йиллиги арафасида йиғилди, 1957 йилнинг 4 октябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши учирилиши шу даврни бошлаб берган эди. Инсоният даҳосининг шу улуғвор ғалабаси дунё тарихидаги энг катта воқеалар билан бир қаторда туради.

Инсоният шу йигирма беш йил ичида эришилган ютуқлар билан фахрланишга ҳақлидир. Космосни ўзлаштириш: Ернинг биринчи сунъий йўлдошидан, Юрий Гагарин планетамиз теварагида қилган биринчи айланишдан, то катта-катта орбитал комплекслар билан киши бошқарадиган кўп ойлик учишларгача, Ой, Марс ва Венера сари ғоят олис экспедициялargача ҳақиқатан космик тезликда бормоқда.

Бугунги кунда космонавтика тамомила ердаги хўжалик вазифаларини бажаришга ҳам бевосита киришиб кетди. У геолог ва денгизда сузувчининг агроном ва метеорологнинг, алоқачи ва врачнинг, картограф ва ўрмон хўжалиги ходимининг пухта кўмакчиси бўлиб қолди.

Яқин келажакка назар ташлайдиган бўлсак, космик фазода экипажлари алмаштириб туриладиган тобора йирик орбитал комплекслар негизида доимий ишлайдиган лабораториялар яратиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Космик олисликларга дадил ҳужум қилаётган инсоннинг ижодий имкониятлари дарҳақиқат чексиздир!

Космосни тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишда халқаро ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги ва бу ишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сезиларли роль ўйнаётганлиги кишини мамнун қилади. Бу ҳамкорлик шаклан ғоятда хилма-хил ва мазмунан ниҳоятда бойдир.

Дастлабки халқаро экипажлар Ер атрофи орбитасига чиқиб тушганликлари кишини айниқса қувонтиради. Социалистик мамлакатлар амалга ошираётган «Интеркосмос» программаси уларнинг космосга чиқиши учун йўл очиб берди. Ўн мамлакат граждани бизнинг космонавтлар билан бирга совет кемалари ва станцияларида космик парвоз қилди. Биз космосдаги халқаро парвозларга бундан буён ҳам кўмаклашишга тайёрмиз.

Космосдаги ҳамкорлик кишиларни бирлаштириши, биз ҳаммамиз битта планетада яшаётганлигимиз ҳамда ернинг тинч бўлиши ва равнақ топиши ҳаммамизга боғлиқ эканлиги тушунчасини ривожлантирмоғи лозим.

Совет Иттифоқи космик фазони тинч ҳамкорлик майдони бўлиб қолиши учун, космоснинг бепоён кенгликлари ҳар қандай турдаги қуролдан ҳоли бўлиши учун изчиллик билан курашиб келмоқда. Шу буюк ва инсонпарварлик мақсадга биргаликда куч-ғайрат сарфлаб эришиш реалгина бўлиб қолмай, балки бутун инсониятнинг келажаги йўлида ҳаётий зарур ҳамдир.

Конференция қатнашчиларига ишда катта-катта муваффақиятлар тилайман ва унинг натижалари тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ишига, планетамиздаги барча кишиларнинг фаровонлиги йўлида космосни ўзлаштиришда бундан буёнги тараққиётга хизмат қилади, деган умиддаман.

Л. БРЕЖНЕВ

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

10 август куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида мукофотлар топширилди.

Енгил саноат корхоналарини қуришда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилар ва инженер-техник ходимлардан бир группасига СССР орден ва медаллари берилди

Оғир юк ташийдиган поездларда муваффақиятли юк ташиган темирйўл транспорти ходимларидан бир группасининг меҳнати ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Халқ хўжалиги турли тармоқлари ходимларининг бир группасига республика фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев мукофотланганларни самимий қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётларида бахт-саодат, Ватан фаровонлиги йўлидаги меҳнатларида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

РАЙОН ГАЗЕТАСИГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

ТЎЙТЕПА, 10 август. (ЎзТАГ). Ўрта Чирчиқ район партия комитети ва халқ депутатлари район ижроия комитетининг органи — «Машъал» газетасининг биринчи сони чиққан кунга 50 йил тўлди.

Бугун район газетаси редакциясига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи тантанали вазиятда топширилди. Газета редакцияси партия сиёсатини пропагандада қилишда, район меҳнаткашларини ишлаб чиқариш топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда эришган ютуқлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Афғонистон Халқ Демократик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Афғонистон Демократик Республикаси алоқа министри Муҳаммад Аслом Ватанжар Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Меҳмон Тошкент шаҳарлараро телефон станциясини бориб кўрди, янги телеминора қурилишида бўлди, Бухорога сафар қилди, Ўзбекистон ССР Министрлар Советида қабул қилинди.

* * *

Италия Коммунистик партияси раҳбарлигининг аъзоси Жованни Черветти уч кун мобайнида Ўзбекистонда бўлди.

Ж. Черветти В. И. Ленин номидаги Марказий музейнинг Тошкент филиалини бориб кўрди, пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди, Хоразм областига сафар қилиб, у ерда ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашди ва суҳбатлашди. Хиванинг тарихий ёдгорликларини томоша қилди. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШЛАРГА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь ва 1982 йил май Пленумларининг қарорларини амалга ошириш партиямиз ва давлатимизнинг, бутун совет халқининг диққат марказида турибди. СССРни 1982 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планлари ва умуман ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун бошланган кураш тобора кенг қулоч ёзмоқда. Партия меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини экономикани асосан интенсив ўсиш йўлига ўтказишни тугаллашга, уни чинакам тежамли экономикага айлантиришга қаратмоқда. Шу мақсадда илмий-техникавий, ташкилий-сиёсий, иқтисодий ва идеологик воситаларнинг кенг комплексидан фойдаланилмоқда.

Июнда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим ва тарбия беришни янада яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қарорда партиянинг кадрларини иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш юзасидан КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан йўл-йўриқлари янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди, экономикани 80-йилларда ривожлантириш нуқтаи назаридан таълим ва тарбия масалалари таҳлил этиб берилди.

Шу ҳужжатга мувофиқ, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишда, СССРнинг Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда, социалистик турмуш тарзининг моддий ва маънавий негизларини мустаҳкамлашда, янги инсонни камол топтиришда меҳнаткашларга иқтисодий таълим ва тарбия беришнинг ролини ўстиришга доир конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари лозим.

Қарорда уқтириб ўтилганидек, иқтисодий таълим системаси ғоявий-тарбиявий ва хўжалик ишида муҳим ўрин олди. Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар мобайнида халқ хўжалигининг миллион-миллион ходимлари экономика ва бошқарув асослари соҳасидаги билимларини бойитдилар.

Бироқ, меҳнаткашларга иқтисодий таълим ва тарбия беришнинг сифати ҳамда самарадорлиги ҳали хўжаликни интенсив юритиш, экономикани янада ривожлантириш, хўжалик механизмини ва бошқарувни такомиллаштириш эҳтиёжларига мувофик даражада эмас. Ўқишни ташкил этишда расмиятчиликка кўплаб йўл қўйилмоқда, бу ўқиш ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига дуруст таъсир қилмаяпти.

Қарорда иқтисодий таълимнинг юксак илмий савияси, тингловчилар марксизм-ленинизм назариясини, КПССнинг иқтисодий сиёсатини, ўрток Л. И. Брежневнинг, партия бошқа раҳбарларининг асарларини чуқур ўрганиши таъминлансин, деган талаб аниқ-равшан таърифлаб берилган. Мамлакатни 80-йилларда иқтисодий ривожлантириш проблемаларига, экономикани интенсивлаш масалаларига, ишлаб чиқариш, фан-техника имкониятларидан, моддий ва меҳнат ресурсларидан янада самарали фойдаланишга, ишлаб чиқаришни планлаштириш, бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштиришга, хўжалик юритишнинг илғор тажрибасини, меҳнатнинг бригада формаларини жорий этишга биринчи галда эътибор берилиши лозим. Агросаноат комплекси ходимлари учун хўжалик юритишнинг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми ишлаб чиққан янги методларини эгаллаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Мана шу актуал иқтисодий проблемаларнинг ҳаммаси иқтисодий таълим системасида ўрганиладиган ўқув курсининг асосини ташкил этади.

Иқтисодий ўқишнинг амалий йўналиши қатъиян кучайтириш вазифаси қўйилган. Назария ва иқтисодий сиёсатни ўрганишни турмуш билан, меҳнат коллективларининг конкрет вазифалари билан узвий равишда боғлаб олиб бориш керак. Таълимнинг мазмуни, усуллари ва методлари ривожланган социализмнинг имкониятларидан янада тўла-тўкис фойдаланишга, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришда ва бошқаришда иш кўзини билиб қатнашишга, корхоналардаги иқтисодий ишни яхшилашга қаратилиши керак. Ўрток Л. И. Брежневнинг сўзлари билан айтганда, иқтисодий ўқиш: ҳар бир конкрет участкадаги ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ташкил этиш мумкин? Умуман эмас, балки ҳар бир иш жойига татбиқан конкрет равишда фан-техника тараққиёти ютуқларидан қандай қилиб фойдаланиш мумкин? Ҳар бир ишлаб чиқаришда, ҳар бир тармоқда меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини жуда қаттиқ тежаш учун нималарни қандай қилиб бажариш мумкин? — деган саволларга ишонарли жавоблар бериши керак.

Тингловчиларни сарф-харажатларни унинг натижалари билан таққослашга, ички резервларни аниқлаш ва улардан фойдаланишга, муқобил планларни, социалистик мажбуриятларни асослашга, шахсий тежамкорлик ҳисобини йўлга қўйишга, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш таклифларини ишлаб чиқиб, амалга оширишга ўргатиш муҳимдир. Бунинг учун актив ўқиш методларидан кенг фойдаланиш талаб қилинади. Амалий топшириқларнинг бажарилиши, рефератлар тайёрлаш, конкрет вазиятларни таҳлил этиш, коллективлар фаолиятининг иқтисодий натижаларини анализ қилишда, ички резервларни аниқлашда, хўжалик юритиш масалаларига доир қарорларни асослаш, қабул қилиш ва амалга оширишда қатнашиш таълим жараёнининг муҳим таркибий қисми, кундалик ишда унинг бевосита давоми бўлиб қолиши лозим.

Қарор пропагандистларни, ўқишнинг барча ташкилотчиларини тингловчиларнинг таклифлари, фикрлари ва мулоҳазаларига эътибор билан қарашга ундайди. Днепропетровск, Куйбишев, Пермь ва бошқа областлардаги кўпгина коллективларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиш керак, бу коллективларда тингловчиларнинг таклифлари умумлаштирилиб, улар амалий фаолиятда ҳисобга олинмоқда.

Меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш системасининг янги структураси: коммунистик меҳнат мактаблари, конкрет экономика мактаблари ва иқтисодий семинарлар ўқишни ташкил этишни яхшилашга ва унинг натижадорлигини оширишга хизмат қилиши зарур.

Мактаб ва семинарларнинг тингловчилари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника ва социал тараққиётни жадаллаштириш, иқтисод қилиш ва тежамкорлик, илғор тажрибани жорий этиш йўлларини яхши ўзлаштириб олишлари, ишлаб чиқаришни бошқаришда актив қатнашишлари, ленинчасига, коммунистчасига яшаш ва ишлашни ўрганишлари керак.

Коммунистик меҳнат мактабларида тингловчилар серунум ишлаш учун, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш, фан-техника ютуқларидан ва илғор тажрибадан фойдаланиш, тежамкорликни, уюшқоқлик ва интизомни таъминлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришда актив иштирок этиш учун зарур бўлган билимларни ўзлаштириб оладилар. Бу мактабларда гарчи бошқа ходимлар ҳам ўқишлари мумкин бўлсада, аммо улардаги тингловчиларнинг асосий кўпчилиги ишчи ва колхозчилардан иборат эканини ўтган йилларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. 1982/83 ўқув йилида коммунистик меҳнат мактаблари учун қуйидаги ўқув курсларидан бири: «СССРнинг Озиқ-овқат программаси» (янги курс): «Тежамкорлик — коммунистик хислат» «Фан-техника тараққиёти ва экономика» курсларидан бирини танлаб олиш тавсия қилинади.

Конкрет экономика мактаблари хўжаликни интенсив юритиш, меҳнат ва бошқарувни илмий ташкил қилиш, социалистик мусобақа ва хўжалик ҳисоби муносабатлар методларини ўрганиш ва қўлланишда, фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини жорий этишда, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишда, коллективдаги тарбиявий ишни самарали йўлга қўйишда тингловчиларга ёрдам бериши лозим. Бу мактаблар самарадорлик ва сифат, хўжаликни самарали юритиш, ишлаб чиқариш ташкилотчилари мактабларини ва шу сингари мактаблар каби мавжуд ўқув формаларини ўз ичига олади. Уларда асосан бевосита ишлаб чиқаришда ишловчи мутахассислар, мастерлар, комплекс бригадаларнинг бошлиқлари, участка ва сменаларнинг бошлиқлари, фермаларнинг мудирлар ва корхоналардаги бўлинмаларнинг бошқа раҳбарлари ўз билимларини оширадилар. Янги ўқув йилида конкрет экономика мактабларида: «СССРнинг Озиқ-овқат программаси» «Тежамли экономика»; «Фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш самарадорлиги» ўқув курсларидан бири ўрганилиши мумкин.

Иқтисодий семинарлар иқтисодий фан ютуқларидан, хўжалик юритишнинг илғор тажрибасидан юксак самарали техника ва технологияни ишлаб чиқишда, бошқарув органларининг чиқарган қарорларини асослашда, экономикага раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштиришда кенг фойдаланишга кўмаклашиши лозим. Бундай семинарлар корхоналарда, илмий ва идораларда иқтисодий назарияни, иқтисодий сиёсат ва хўжалик юритиш практикаси масалаларини мустақил ўрганувчи мутахассислар ва раҳбар ходимлар учун ташкил этилади. Янги ўқув йилида семинарларда «Агро саноат комплексининг иқтисодий механизми», «В. И. Ленин, КПСС иқтисод ва тежамкорлик тўғрисида», «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўллари» сингари актуал проблемалар муҳокама қилинади. Рефератлар тайёрлаш ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш, сўнгра уларни машғулотларда коллектив бўлиб муҳокама қилиш семинарларнинг ишига хос хусусият бўлиб қолиши керак.

Тавсия этилган иқтисодий курслар малака ошириш институтлари, факультетлари ва курсларида, иқтисодий ва қишлоқ хўжалик билимлари халқ университетларида ҳам ўрганилиши мумкин. Ўз ихтисосига кўра бевосита корхоналарда тайёргарликдан ўтаётган оммавий касбдаги ёш ходимлар учун ҳунар-техника таълими системасига тавсия қилинган программага мувофиқ «Иқтисодий билимларнинг асослари» курсини ўқитишни ташкил қилиш лозим. «Хўжалик механизмини такомиллаштириш» курсини тугалламаган тингловчиларнинг шу курсни ўрганишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқдир.

Коммунистлар билан комсомоллар замонавий иқтисодий билимларни эгаллашда ва улардан амалда фойдалана билишда намуна кўрсатишлари керак. Улар иқтисодий таълим системасида ўз билимларини тўлдириш имкониятига эгадирлар.

Иқтисодий таълим ва тарбиянинг ташкил этилиши, сифати ва самарадорлиги учун партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, совет, касаба союз ва комсомол органлари **жавобгардирлар.** Улар иқтисодий ўқишни кадрлар билан ишлаш соҳасидаги бутун ишнинг узвий таркибий қисми деб билишлари, бу ишни ишдан ташқари вақтда, планли равишда ва аниқ мақсадни кўзлаб, табақалаштирилган, тингловчиларнинг билим даражаси ва манфаатларини, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти мазмунини ҳисобга олиб, ихтиёрийлик принципига риоя қилиб олиб боришлари лозим.

Куч-ғайратларни бирлаштиришда, ҳаракатларни мувофиқлаштиришда партия ташкилотлари етакчилик ролини ўйнашлари, шу мақсадда иқтисодий таълимга доир маслаҳатлардан ва ўқишни планлаштиришдан актив фойдаланишлари керак. Партия комитетларининг, улар тармоқ бўлимлари раҳбарларининг ва мутахассисларининг иқтисодий билимдонлик даражасига, коллективлар фаолиятининг иқтисодий мазмунига нисбатан контроллиги ва талабчанлигини кучайтириши муҳимдир.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари аҳолини умумхалқ мулкига омилкорлик билан қараш, меҳнат тўғрисидаги ва хўжалик масалаларига доир совет қонунларига қатъий риоя этилишига эришиш руҳида тарбиялашда совет органларининг, депутатлар комиссияларининг ролини оширишлари керак.

Министрликлар ва идоралар шу пайтгача меҳнаткашларга иқтисодий таълим беришни яхшилаш, иқтисодий таълим билан шуғулланувчи тармоқ кенгашларининг ишини ташкил этиш соҳасида бирталай тажриба орттирганлар. Кўпгина корхоналарда мавжуд штатлар доирасида иқтисодий ўқиш масалалари билан шуғулланувчи ташкилотчи методистлар ажратиб қўймоқда. Вазифа шундан иборатки, барча министрликлар ва идоралар ҳузуридаги иқтисодий таълим масалалари билан шуғулланувчи кенгашларнинг фаолияти кучайтирилсин, моддий база мустаҳкамлансин, дарсхона ва кабинетлар техникавий воситалар билан ва кўргазмали материаллар билан таъминлансин. Разрядларни, класслилик даражасини ошириш, мутахассисларни аттестациядан ўтказиш ва кадрларни юқори кўтариш пайтида иқтисодий билим даражасини эътиборга олиш тартибини такомиллаштириш керак.

Меҳнаткашларга иқтисодий таълим ва тарбия беришни яхшилаш ишида касаба союзлари комитетлари ва советларининг бурчлари анча кенгаяди. Улар коммунистик меҳнат мактаблари тўғрисидагина эмас, шу билан бирга ўқишнинг бошқа формалари ҳақида, ишлаб чиқариш пропагандасини кучайтириш ҳақида, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, тежамли экономика учун, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун курашда омманинг ижодий активлигини ривожлантириш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишлари керак.

Комсомол ташкилотларидан ёшларга иқтисодий таълим бериш ва уларни тарбиялаш, уларда меҳнатсеварликни, оқилона талаб-эҳтиёжларни, иқтисодий фаолиятда қатнашишга нисбатан масъулият туйғуларини шакллантириш борасида собитқадамлик билан кенг кўламда иш олиб бориш талаб этилади. Уларнинг бурчи — ҳар бир йигит ва қизнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини ошириш учун, иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун, мамлакатнинг озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш учун курашда ўз ўрнини белгилаб олишига ёрдам беришдир.

Пропагандистлар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш — иқтисодий таълимнинг самарадорлиги ва сифатини таъминлашнинг ҳал қилувчи йўлидир. Иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари — партия идеологик активи энг оммавий отрядларининг биридир. Қарорда иқтисодий билимларни пропаганда қилишни раҳбар кадрларга, экономистларга, илмий ва инженер-техник ходимларга топшириш кераклиги таъкидлаб ўтилади. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида булар орасидан пропагандистларнинг муқим ишлайдиган составини вужудга келтириш муҳимдир. Аввало, зарур иқтисодий билимларга эга бўлиб, ишчанлик, уюшқоқлик, омилкорлик, ишга тадбиркорлик билан ёндошадиган ходимларни пропагандистлар составига киритиш лозим. Пропагандистларнинг ишлаши учун энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш, уларнинг беғараз, ғоят муҳим меҳнатини юксак даражада қадрлаш — партия, хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг бурчидир.

Марксизм-ленинизм университетларида олий ва ўрта ўқув юртлари негизида иқтисодий билимлар пропагандистларини тайёрлашни кенг йўлга қўйиш керак. СССР Автомобиль саноати министрлиги, Нефть-газ қурилиши министрлиги, Темир йўл министрлиги ва Рангли металлургия министрлигидан ўрнак олиб институтларда ва малакани ошириш факультетларида пропагандистлар тайёрлашни уюштириш, шу мақсадда корхоналар ва бирлашмаларнинг ўқув комбинатларидан актив фойдаланиш лозим.

Ўқув йили мобайнида пропагандистларга назарий ва методик ёрдамни кучайтириш, семинарларнинг ғоявий савиясини оширишни таъминлаш — биринчи навбатдаги вазифаларнинг биридир. Бунда партия ва хўжалик органларидаги иқтисодий таълим советлари, партия комитетлари ҳузуридаги сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари етакчи роль ўйнашлари лозим. Аввало, улар иқтисодий билимлар пропагандистлари семинарларининг раҳбарларини ўқитиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

Кўпгина область партия комитетлари пропагандистларга таълим бериш юзасидан бир йилга мўлжалланган планларни тузиб қўйганлар. Бу планларда пропагандистларнинг курслари ва семинарларини ўтказиш учун, бу курс ва семинарлар қандай базада уюштирилаётганлиги, уларни тайёрлаш ва ўтказишда сиёсий маориф уйлари ҳамда кабинетлари қандай иштирок қилаётганлиги учун жавобгарлик қайси тармоқ бўлимлари, хўжалик ва касаба союз органлари зиммасига юклатилажаги аниқ кўрсатиб берилган. Бундай планлар иши кўнгилдагидек уюштиришга ёрдам беради.

Қарорга мувофиқ малакани ошириш факультетлари ва институтларининг пропагандистлар билан ишлашга қўшадиган ҳиссаси анча ортади. Уларнинг зиммасига меҳнаткашларга иқтисодий таълим ва тарбия бериш юзасидан тармоқ таълим-методик марказларининг бурчи юкланади. Сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари улар билан маҳкам алоқа боғлаб иш олиб боришлари керак.

Иқтисодий ҳаётнинг актуал масалалари юзасидан пропагандистларга оператив ахборот бериб туриладиган аниқ система бўлишини таъминлаш — пропагандистлар билан ишлашнинг жуда муҳим йўналишидир. Раҳбар кадрларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг мунтазам равишда лекция ўқишларини йўлга қўйиш, аналитик маълумотларни, йўл-йўриқлар, далиллар ва фактларни тайёрлаш ҳамда ҳар бир пропагандистга маълум қилиш, иқтисодий обзорлар, консультациялар, методик маслаҳатлар ва тавсияларни босиб чиқариш керак. Министрликлар ва идоралар, касаба союзларининг Марказий Комитетлари бирлашмалар ва корхоналарнинг иқтисодий хизмат бўлимлари, статистика органлари, илмий-техника ахбороти марказлари пропагандистлар учун тармоқлар, ишлаб чиқариш экономикаси ва илғор тажрибага доир материалларни мунтазам равишда тайёрлаб беришлари керак.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети жамият аъзоларига иқтисодий таълим беришни яхшилашнинг асосий йўналишлари ва конкрет йўлларини белгиладилар. Бу ишдан кузатилган мақсад — совет кишиларида коллективчилик, давлат манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, тежамкорлик каби, хўжасизликка нисбатан муросасизлик, меҳнатсеварлик, ижрочилик ва социалистик омилкорлик, янгиликни ҳис этиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари учун юксак масъулият ҳис этиш каби фазилатларни ривожлантиришдир. Меҳнаткашларда замонавий иқтисодий тафаккурни, хўжалик юритиш социалистик системасининг афзалликларига ишончни, бурчни ҳис этиш ва партия иқтисодий сиёсатининг тўла-тўкис, муваффақият қозонишини таъминлаш маҳоратини шакллантириш муҳимдир. Бу вазифани ҳал этишда билимларнинг ролини тобора ошириш билан бир қаторда ташкилий, идеологик, иқтисодий, социал ва ҳуқуқий омиллардан ҳам актив фойдаланиш керак. Планнинг, меҳнатни ташкил этишга, унга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш коллектив формалари, хўжалик ҳисоби ва социалистик мусобақанинг тарбиявий ролини ошириш талаб этилади.

Ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг янги авлодига иқтисодий таълим беришга алоҳида эътибор қилиш лозим. Бунинг учун ишлаб чиқаришдагина эмас, оилада, мактабда, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта ва олий махсус ўқув юртларида ҳам изчил иш олиб бориш лозим. СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетига, СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлигига ўқувчи ва студент ёшларнинг иқтисодий билимини ошириш, уларни социалистик мулкка омилкорлик билан муносабатда бўлиш, виждонан самарали ва сифатли ишлаш маҳоратини эгаллаш руҳида тарбиялаш чораларини кўриш топширилди. СССР педагогика фанлари академияси оилада ва мактабда иқтисодий тарбия масалалари юзасидан оммабоп қўлланмаларни тайёрлаши керак.

Телевидение ва радио, нашриётлар, матбуот органлари, ижодий союзлар иқтисодий таълим ва тарбия беришга зўр эътибор қилишлари лозим. Китоб ва брошюралар, газета ва журналларда босиб чиқариладиган материаллар, радио ва телевидение эшиттиришлари, кинофильмлар, адабиёт ва санъат асарлари ҳозирги иқтисодий проблемаларнинг моҳиятини чуқур билиб олиш ва уларни ҳал этиш йўлларини кўришга, хўжасизлик фактларини ва уларнинг сабабларини дадил очиб ташлашга ёрдам беришлари, меҳнатга чинакам коммунистик муносабат намуналарини қўллаб-қувватлашлари лозим.

Иқтисодий таълим марказий методик кенгаши «Экономическая газета» ўз фаолиятини кучайтирмоқда. Ўқув-методика материаллари, маслаҳатлар ва ўқувни ташкил этиш соҳасидаги энг яхши тажриба тўғрисида ҳикоялар бу газетанинг ҳар бир сонида эълон қилинади. 1983— 1985 йилларда иқтисодий таълим системаси учун ўқув қўлланмалари тайёрлаш юзасидан конкурс ўтказилади.

Янги ўқув йилида иқтисодий таълимнинг барча формаларида «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи» деган мавзуда машғулотлар бошланади. Қарор партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, хўжалик органларини совет кишиларига иқтисодий таълим ва тарбия беришни янада яхшилашни таъминлашга, уларнинг ижодий ғайратини ва билимларининг буюк кучини коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун сафарбар қилишга чақиради. 1982—83 ўқув йилига ўз вақтида пухта ҳозирлик кўриш ва бу ўқув йилини муваффақиятли ўтказиш ана шу қарорга амалий иш билан берилган жавоб бўлиб қолиши керак.

(«Правда» 10 август).

АГАР ИСТАК АСТОЙДИЛ БЎЛСА...

ЧОРВАМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

Ҳар бир хайрли ишнинг бошланишига бир нарса сабаб бўлади. Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида хўжалик ҳисобидаги бўрдоқичилик фермасининг ташкил этилиши ҳам ўз-ўзидан бўлган иш эмас, албатта. Мадамин ака Қўшоқов олий маълумотли зоотехник. Кўп йиллар колхоз партия ташкилотига секретарлик қилди. Бир неча йил хўжаликда наслчилик ишлари бўйича зоотехник бўлиб ишлади. Бундай олганда, шу хўжаликда ўсиб, улғайди, иш ўрганди. Унга колхоз раҳбарлари ёки район раҳбарлари хўжаликда бўрдоқичилик фермаси ташкил қилинг, деганлари йўқ.

— Ишдан кейин телевизор томоша қилиб ўтирган эдим, — дея ҳикоя қилади Мадамин ака. — «Время» информацион программасида РСФСР хўжаликларидан бирида бир оила колхоздан кўп чўчқани олиб, парвариш қилиб, давлатга кўп, семиз гўшт топшираётганлиги ҳақида жуда яхши ҳикоя қилинди. Диққат билан томоша қилдим. Ўша куни туни билан хаёлимни бир фикр чулғаб олди. Одам қилган ишни одам қилади-ку!... Биз ҳар оиламиз билан колхозимизда ана шундай хайрли ишни қилишимиз мумкин. Албатта, қиламиз, деган қатъий қарорга келдим.

Мадамин ака олдинига ўз мулоҳазаларини колхоз раиси Бахтиёр Абдуллаев билан маслаҳатлашди. Улар биргаликда хомчўт ҳам қилиб кўрдилар. Сўнгра бу фикрни район партия комитетининг биринчи секретари Эшниёз Рустамов кабинетида пишитдилар. Сўнгги хулоса шундай бўлди: колхоз правлениеси бозордан мол сотиб олиш учун Мадамин Қўшоқовга қарз бериб туради. Колхоз бош зоотехниги, чорвачилик бўйича бухгалтер, ревизия комиссиясининг аъзоси, колхоз кассиридан иборат мол сотиб олиш комиссияси тузилди. Колхоз раҳбарлари молларни боқадиган жой, сув, концентрат озуқа билан таъминлашни ўз зиммасига олди.

Фикр фикрлигича қолмади, албатта. Жуда тезлик билан Жарқўрғон, Денов районлари мол бозорларидан, ҳатто қўшни Тожикистон республикасининг Шаартуз районидан 152 бош қорамол сотиб олинди. Уларнинг ўртача тирик вазни юз килограмм атрофида бўлди. Мадамин ака эса оғайнилари Нурмуҳаммад Қўшоқов, Дўстмуҳаммад Қўшоқов, Норқул Одинаев, Юнус Ёқубов, Ўрол Юсуповлар билан биргаликда моллар парвариш қилинадиган жойни тартибга келтирдилар. Бир вақтлар колхознинг фермаси бўлган ташландиқ ерга яна мол келтирилди. Колхоз раҳбарлари ҳам қараб турмишмади. Тезлик билан молхонани жорий ремонт қилиб беришди. Артезиан қудуғидан сув чиқарилди. Ишнинг бошланишидан Мадамин акани керакли техника билан таъминлади. Концентрат озуқа берилди. Хуллас, колхоз билан Мадамин Қўшоқов ўртасида шартнома тузилиб, шартномада ким нима ишни бажариши керак бўлса, шу ишлар бирин-кетин амалга оширила бошланди.

Зартепа қишлоғи этагидаги кенг қумликда жойлашган хўжалик ҳисобидаги ферма. Ёзда бу ерларда ҳароратнинг тафти ўзгача бўлади. Назарингизда атрофдан олов пуркалаётгандек. Лекин жуда масъулиятли ишни ўз зиммасига олган коллектив учун ҳар қандай иссиқ ҳам беписанддек. Ҳаммаси иш билан банд. Молбоқарлардан икки киши ҳозирдан қиш тараддудида. Улар Хонтоғой массиви этакларидан пичан жамғаришяпти. Қолган тўрт киши эса молларга овқат берган, молхоналарни тозалаган, қуриган хашакни эса бир ерга ғарам қилишмоқда. Ҳамма ишни бор-йўғи олти киши бажармоқда.

Фермада юрган молларга қараб, ҳавасингиз келади. Биринчи группада ҳозир ўттиз бош қорамол гўштга топширишга тайёр турибди. Яна бир ой ичида 30 бош молнинг ҳар бири 400 килограммдан оғирликка етказилиб, гўштликка топширилади.

— Хўжалик ҳисобида ишлаш жуда қизиқарли экан, — дейди молбоқар Нурмуҳаммад Қўшоқов. — Ҳозир фермамизда 218 бош қорамол бўлса, олти киши ҳам унга ўз молимиз, деб муносабатда бўламиз. Колхоз фермасидагига қараганда бизнинг вазифамиз масъулиятлироқ. Аввало, биз йил бошида колхоз билан тузилган шартномани бажаришимиз шарт. Иккинчидан, бизда мутлақо чиқим бўлиши мумкин эмас.

Ферма чорвадорларининг ҳозирги фикри-зикри битта. Улар ҳозир молни семиртириб, давлатга топширишдан ўзлари кўпроқ манфаат кўришларини эмас, балки колхоз правлениеси жуда катта ишонч билдириб, берган катта маблағни хўжаликка қайтариб бериш, улар бошлаган иш келгусида жуда яхши самаралар бериши мумкинлигини амалда исботлашдир. Ўтган йили олти киши ўзлари парвариш қилган молдан 34 бошини гўштга топширдилар. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 385 килограммни ташкил этди. Давлатга 13.8 тонна гўшт топширилди. 34 бош молни семиртириш ҳисобига 6785 сўм фойда кўрилди. Бу фойданинг 5120 сўми ем-хашак, 102 сўми эса меҳнат ҳақи харажатлари бўлиб, қолган 1563 сўми соф фойдадир. Бу фойдани хўжалик ҳисобидаги ферманинг олти аъзоси бўлиб олади.

Ҳозирча ферма аъзоларига колхоз томонидан аванс тариқасида ойлик маош тўлаб борилияпти. Йил охирида эса улар маҳсулот топширишгач, берилган аванс пул ушлаб қолинади. Қолган фойда эса ферма аъзоларига тақсимлаб берилади.

— Бу йил биз давлатга 50 тонна гўшт топширишга аҳд қилганмиз, — дейди Мадамин Қўшоқов. — Ҳозирга қадар 20 бош молни гўштга топширдик. Қарийб саккиз тонна гўшт бўлди. Ноябрь ойида яна 110 бош молни гўштга топширамиз. Бунинг учун молларни группаларга бўлиб боқяпмиз. Биринчи группада ҳозир 30 бош мол бўлиб, улар ҳар куни 900 граммгача семирмоқда. Иккинчи группада 50 бош мол парвариш қилинмоқда. Улар ҳар куни 700 граммгача семирмоқда. Учинчи группада эса ёш бузоқлар парвариш қилиняпти.

Икки юз бошдан зиёд молни парвариш қилишнинг ўзи бўладими, унга ҳар куни қанча емиш керак, деган савол туғилади, албатта. Ёз ойларида колхоз фермага кўк беда етказиб туради. Бу пайтда ферма аъзолари эса қишлов учун озуқа жамғариш билан банд бўладилар. Улар ўн гектар майдонда озуқабоп экинлар етиштирмоқдалар. Ўтган йили ҳам қишлов учун емишни ўзлари тайёрлашган. Фақат концентрат озуқани колхоздан олиб турдилар. Янтоқ, ҳар хил пичандан 7 мингта пресс тайёрланди. 15 тележка ғўзапоя ҳам ташиб келтирилди. Буларнинг ҳаммаси майдаланди. Молларга эса озуқани буғлаб бериш ташкил этилди. Бундай парваришдан кейин мол, албатта, чорвадор кутганидек семиради.

Бу ўринда Мадамин аканинг чорвачилик мутахассиси эканлиги ҳам иш беряпти, албатта. Аввало, у киши молларни харид қилишни жуда яхши билади. Молни сотиб олганда, аввало, зотига, соғломлигига алоҳида эътибор беради.

Мадамин Қўшоқов бошлаган бу ишдан ҳозир ҳамма мамнун бўлмоқда. Яқинда область партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қўйилган вазифалар муҳокама қилинганда ҳам докладчи Мадамин Қўшоқовнинг фойдали, қимматли ташаббуси ҳақида атрофлича фикр юритди. Колхоз правлениесининг раиси Бахтиёр Абдуллаев эса бу ишдан бутун колхоз миннатдор бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Биз учун беминнат, жуда катта ёрдам бўляпти, — дейди колхоз раиси. — Хўжалигимизда 218 бош қорамол сўқимга боқиляпти. Агар шу ферма бўлмаганида, 50 тонна гўштни бизга ким беради? Ҳеч ким. Шунинг учун ҳам биз раҳмат сизларга. Мадамин ака, деймиз. Албатта, қўлимиздан келган ҳамма ёрдамимизни улардан аямаймиз. Тўғри, ҳозирча молхоналаримиз кўнгилдагидек эмас. Концентрат озуқа ҳамиша ҳам етарли етказиб берилмайди. Ёки гўштга топшириладиган молларни бир-икки ой боғлаб боқадиган шароит яратиб беролганимиз йўқ. Бу ишларни ҳам йўлга қўйиб берсак, бошланган хайрли ишнинг самараси биз ўйлагандан ҳам зиёда бўлиши шубҳасиз.

Раис жуда ҳақ гапни айтди. Ҳар бир хайрли ишнинг ривож топиши учун ҳам эътибор, ғамхўрлик, ўз вақтида кўрсатиладиган ёрдам керак. Ўйлаймизки, Мадамин ака Қўшоқов бошлаб берган бу хайрли иш фақат Жарқўрғон районида эмас, балки Сурхондарё области хўжаликларида кенг қулоч ёяди.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

Беруний районидаги «Коммунизм» колхозининг Б. Муродов бошлиқ бригадаси аъзолари юбилей йилида 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан дурдона етиштиришга сўз беришган. Фидокорона меҳнат ўз самарасини кўрсатмасдан қолмади. Ҳар туп ниҳолдаги шода-шода кўсаклар мажбуриятга яраша ҳосил тўплангандан гувоҳлик бериб турибди.

Суратда: шу илғор бригаданинг ишчан механизатори А. Эгамов.

Р. Ўтамуродов фотоси.

НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Сирдарё областидаги Ховос райони ва бошқа тўртта район хўжаликлари минерал ўғит, заҳарли химикат ва бошқа препаратлар билан марказлаштирилган тарзда таъминлашга тўла-тўкис кўчирилди. Бу ерда республикада энг йирик бўлган ва ўн минг тонна ўғит сиғадиган типовой омбор ишга туширилди. Омборда маҳсулотни бўшатиш, ортиш ва асраш борасидаги ҳамма ишлар батамом механизациялаштирилган. Темир-бетон конструкциялар ва металлдан қурилган омборлар серунум транспортёр, шнек, ортиш-тушириш машиналари ҳамда бошқа ускуналар билан таъминланган. Химикатларнинг ҳар бир тури учун муайян жойлар ажратилган. Хўжаликларни таъминлашнинг бу янги формаси ўғитдан фойдаланишни қатъий ҳисобга олиш, заводдан далагача бўлган йўлда ўғит нобудгарчилиги олдини олиш имконини берди.

Тошкент, Сурхондарё, Навоий ва Хоразм областларида ҳам ана шундай иншоотлар барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ҒАРБИЙ СИБИРДАН ХАТЛАР

Тюмендаги Ўзбекистон йўлсозлари

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида Ғарбий Сибирь нефть-газ комплексига алоҳида тўхталиб, унинг мамлакат экономикасини ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида «Ғарбий Сибирь регионидаги конлар ноёб конлардир.. Ғарбий Сибирда газ ва нефть қазиб чиқаришни, уларни мамлакатнинг Европа қисмига ташиб келтиришни ўн биринчи ва ҳатто ўн иккинчи беш йилликларнинг энергетика программаларидаги ғоят муҳим бўғинларга айлантириш керак бўлади», деб таъкидлаб ўтганди. Съезд қабул қилган қарорларда ана шу территориал-ишлаб чиқариш комплексидаги янги нефть-газ конларини тез ўзлаштириш учун социал, маданий-маиший объектлар, шунингдек, йўл қурилишини жадал олиб бориш, кишилар учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш белгиланган. Шу жумладан, СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида «Ғарбий Сибирь территориал-ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш таъминлансин... Уй-жой, социал-маданий ва йўл қурилиши кучайтирилсин», деб уқтирилган. Партия кўрсатмалари бугунги кунда амалга оширилпти. Ғарбий Сибирь нефть-газ комплекси умумхалқ қурилишига айланиб кетди.

Дўстлик, қардошлик анъаналарига ҳамиша содиқ бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари ана шу йирик иқтисодий районни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишни интернационал бурчлари деб билдилар. Турли табиий-иқлим шароитларда йўл қуриш соҳасида тажриба тўплаган Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги ишчилари, инженер-техник ходимлари бу умумхалқ қурилишида актив қатнашишга азму қарор қилишди. Шу мақсадда министрлик ҳузурида «Узтюмендорстрой» йўл қуриш бошқармаси ташкил этилди. Орадан бир йил ўтгандан сўнг у трестга айлантирилди. Мана, қарийб икки йилдирки, республикамиз йўлсозлари тайганинг оғир табиий-иқлим шароитларида қийинчиликларни мардонавор енгиб, ҳаёт артерияларини барпо этмоқдалар.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири Суннатилла Сайдалиев Тюмендаги Ўзбекистон йўлсозлари ҳузурида бўлиб, улар амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, орзу-умидлари, ўйлари билан яқиндан танишди. Қуйида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

1. ВАЛИЕВНИНГ ХАЙРЛИ ТАШВИШЛАРИ

ЮРТДОШЛАРИМИЗ Ғарбий Сибирь заминида жасорат намуналарини кўрсатишаётганидан яхши хабардор эдик. Уларнинг меҳнат зафарлари ҳақида янги-янги маълумотлар, хушхабарлар келиб турарди. Қалб амри билан Тюменга бориб, ботқоқликлар узра, ўрмонзорлар оралаб йўл қураётган фидоий кишиларнинг яратувчилик ишлари билан яқиндан танишиш, уларнинг қувончу ташвишларига ошно бўлишни кўнгилга тугиб қўйгандик. Бу фикр муҳарриримиз томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланди. У Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министри Абдуҳамид Қаюмов, министрнинг биринчи ўринбосари, айни пайтда «Узтюмендорстрой» трестининг бошқарувчиси вазифасини бажараётган Рустам Юнусов ўртоқлар билан телефон орқали боғланиб, редакция Тюмень областидаги трест фаолиятини газета саҳифаларида кенг ёритиш ниятида эканлигини, бунинг учун ходимлардан бири қисқа муддат йўлсозлар билан яшаши зарурлигини айтди. Министрлик раҳбарлари бу ниятга хайрихоҳлик билдиришди. Айни пайтда бироз иккиланиб, шундай мулоҳазани айтишди: «Йўлсозлар ишлаётган жойда табиий-иқлим шароит оғир-ку? Дам-бадам шаррос ёмғир қуйиб беради. Об-ҳаво жуда ўзгарувчан. Бугун иссиқ бўлиб туриб, эртага қор ёғиб юбориши мумкин. Бундан ташқари у ерга бориб келиш ҳам анча мушкул. Чунки трест посёлкасига олиб борадиган вертолётларнинг учиш-учмаслиги доимо об-ҳавога боғлиқ. Тюмень областига борадиган ходим қийналиб қолармикин...»

Табиийки, бу сўзлар дафъатан, бир зумгина иккиланиш торларини чертиб ўтди. Шу заҳотиёқ бу ҳис-туйғу ўрнини дадиллик, қатъийлик эгаллади. Муҳарриримизнинг «У ерда ҳозир қанча одам ишлаяпти?» деган саволига «1400 дан ошиқ киши меҳнат қилмоқда», деб жавоб беришди. Ана шу савол-жавобнинг ўзиёқ мантиқан ҳар қандай гумону иккиланишни тумандай тарқатиб юборди. Чунки шунча киши ишлаётган жойга нега энди битта журналист бориб, ҳафта-ўн кун улар билан бирга яшаши мумкин эмас экан, деган ҳаққоний савол келиб чиқарди. Жавоб эса битта: «У ерга редакция ходимининг бориши фақат мумкингина эмас, балки шарт. Қарийб бир ярим минг кишининг туғилиб-ўсган жойларидан минг-минглаб километр узоқ ерга бориб, амалга ошираётган ишларини ёритиш, эл-юртга кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарз. Журналистлар, барча ижодкорлар эса ҳамиша жасорат кўрсатилаётган жойларда, халқ хўжалигининг энг муҳим чорраҳаларида бўлишади, кишиларни руҳлантиришади. Зотан шундай экан, гумон аралаш қалқиб турган «Қийинчиликларга чидай олинармикин», деган фикрни кўнгилдан бутунлай қувиб чиқариш керак».

..Шундай қилиб Тюменга жўнайдиган кунимиз ҳам аниқ бўлди. Министрлик «Узтюмендорстрой» тресги ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимларининг фарзандлари ёзги таътилни кўнгилли ўтказишларини, соғлом бўлишларини кўзлаган ҳолда уларнинг дам олишини Ўзбекистон пионер лагерларида ташкил этибди. Саксон нафар ўғил-қиз икки ой давомида Сирдарё область Ховос районининг хушманзара Хўжамушкент қишлоғи бағрида жойлашган «Олимпийский», «Целинник», Ильич номли пионер лагерларида мириқиб дам олишибди. Ана шу пионер-ўқувчилар ва министрлик, трест вакиллари билан биргаликда Ўзбекистон йўлсозлари ишлаётган жой — Тюмень областининг шимолидаги Нях посёлкасига учиб кетишни таклиф қилишди. Бу айни муддао эди. Чунки сафарнинг дастлабки дақиқалариданоқ республикамиз вакиллари ранг-баранг ҳаётини ҳис эта бошлаш имконияти туғилганди.

Ўғил-қизлар билан тўла тўрт автобусда аэропорт сари борарканмиз, Тошкент кўчаларида кишилар қизиқиш билан қараб қолишарди. Чунки байроқчалар, алвонлар билан безатилган автобусларнинг ёнбошига катта-катта қилиб «Узтюмендорстрой» трести, деб ёзиб қўйилганди. Аэровокзалда министрлик Ишлаб чиқаришни технологик комплектлаш бошқармасининг бошлиғи Мавлон Абдураҳмонов, «Узтюмендорстрой» трести бошқарувчисининг моддий-техника таъминоти масалалари бўйича ўринбосари Сухроб Мўминов, трест ишлаб чиқаришни технологик комплектлаш бошқармаси касаба союз комитетининг раиси Анвар Абдукаримов ва бошқа ўртоқлар пионер-ўқувчиларни кузатиш учун чиқишди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, трестнинг ишлаб чиқаришни технологик комплектлаш бошқармаси Тошкентда жойлашган. Сухроб Мўминов шу ердан туриб трест объектларига қурилиш материаллари, ускуналар ва бошқа зарур нарсаларнинг тўла-тўкис етказиб берилишига бош-қош бўлади. Бугун эса министрлик ходимлари ва трестнинг Тошкентдаги вакиллари пионер-ўқувчиларга дўппи сингари эсдалик совғаларини, портфелга солинган ўқув анжомларини тантанали равишда топширишди. Ана шу ҳаяжонли дақиқалар ҳар бир ўғил-қиз хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Саксон нафар ўғил-қизни ота-онаси бағрига эсон-омон етказишнинг асосий масъулияти ҳамшира, кузатувчилардан иборат группа раҳбари — «Узтюмендорстрой» трести касаба союз комитетининг раиси Ғафур Валиевнинг зиммасида. У елиб-югуриб юрибди, жони ҳалак. Самолётга чиқишга рухсат бўлгунча автобуслар колоннаси келиб тўхтаган майдончада икки ярим соат туриб қолишга тўғри келди. Шунинг учун ҳам Ғафур 15—20 нафар болани бирлаштирган группаларнинг кузатувчиларидан ниҳоятда ҳушёр бўлишни сўрайди. Вақти-вақти билан ўзи ҳаммани бир-бир кўздан кечириб чиқади. Бола-бола-да. Улар ҳеч бир жойда туришмайди. Ҳар бирини эса ота-онаси кўзи тўрт бўлиб кутиб турибди. Ҳозирги аҳволга қарайман-у, икки ой давомида бу болалар уларнинг дам олишини ташкил этган кишиларга қанчадан-қанча гаштли ташвиш туғдирганлигини тасаввур қиламан. Уларнинг ҳар бири ўзича бир олам. Шунинг учун ҳам кўнглига йўл топа олмасанг, ранжитиб қўйишинг мумкин. Мурғак қалбнинг ранжишидан ҳам оғирроқ нарса йўқ.

Валиевни суҳбатга тортиш учун ҳазил оҳангида «Болакайлар сизни анча чарчатишибди-а? »дейман. У ўйчан назар ташлаб, «Агар шулар кўнгилли ҳордиқ чиқаришган бўлса, ота-оналарини хурсанд қила олсак, ҳар қандай чарчоқ ҳам ёзилиб кетади», дейди. Сўнгра вазминлик билан гапини давом эттирди: «Кишилар фарзандларининг дам олишидан, соғлиғидан кўнгиллари тўқ бўлса, янада унумли меҳнат қилишади, ўз иш жойларига меҳрлари товланади. Шунинг учун ҳам икки йилдан бери ёз пайтида болаларни Ўзбекистондаги пионер лагерларида дам олдиртиряпмиз. Уларни олиб келиш ва олиб кетиш масъулияти менга юклатилган. Бундан ташқари икки-уч марта келиб, уларнинг шарт-шароитидан хабар олиб кетаман. Бу ўғил-қизлар орасида ажойиб йўлсозларимизнинг фарзандлари бор. Мана бу уч нафар ўғил болага эътибор беринг-а. Улар пешқадам электр пайвандчи Александр Минаевнинг эгизак фарзандларидир. Бундан ташқари Минаевнинг катта қизи ҳам дам олди. Илғор ишчи Виктор Ширшов, инженер Галина Краснячаянинг бир ўғил, бир қизлари Хўжамушкент бағрида пионер ёзини яхши ўтказишди». Бир неча дақиқа илгари Валиевнинг юз-кўзида ҳорғинлик аломатлари кўрингандек бўлувди. Ҳозир эса у гапиряпти-ю, бутун вужудида ўз ишидан мамнунлиги, бу хайрли ташвишлардан маънавий озиқ олиш ҳисси тўла-тўкис балқиб турибди.

Икки самолётга бўлиниб, учиб кетаётганимизда ҳам Валиевнинг ташвиши тугамаганди. У «Эҳ, ярим соатча кеч учдик-да, Урай шаҳарчасидан. Ўзимизнинг Нях посёлкамизга кетадиган вертолётларга улгуролмаслигимиз мумкин. Шунча бола билан Урайда бир кеча қолиш анча қийинчилик туғдиради», дерди. Бир оздан сўнг ўзига-ўзи тасалли беради: «Трестнинг Урай участкаси бошлиғи Юрий Никифорович Ротаненко тадбиркор киши, вазиятдан келиб чиқиб, бирон чора кўриб қўйса керак. Кеча унга телеграмма берганман..»

Қозоғистоннинг кўз илғамас кенгликлари устидан учиб боряпмиз. Ўқтин-ўқтин самолёт ойнасидан ерга қарайман. Кўпинча тап-тақир чўлу биёбон кўзга ташланади. Мана, ҳозир ҳам хаёлга берилиб, анча пайтдан бери ерга қараб келяпман. Кимсасиз даштнинг охири кўринмайди. Сўнгсиз манзаралар беихтиёр кенг фикр уйғотади, ўйга толдиради: Қозоғистон даштининг асосий қисми ўзлаштириш мумкин бўлган унумдор ерлардан иборат. Унинг анчагина қисми ўзлаштирилиб, мамлакатнинг йирик ғаллакор районига айлантирилди. Ҳали ҳам юз минглаб гектар майдонлар оби-ҳаёт олиб келинишини кутиб ётибди. Ана шу заминга сув келса, инсон қадами етса, боғу-бўстонга айланиши шубҳасиз. Ер юзида ҳазрати инсон келишини кутаётган бундай даштлар, чўллар, қўриқ ерлар жуда кўп. У ерларни гуллатиб-яшнатиш учун ҳам, ана у мендан олдинги креслода маъсумгина ухлаётган қизчанинг камолотга етиши учун ҳам тинчлик керак. Капиталистик мамлакатларда миллиардлаб сўм маблағларни кишилар фаровонлигига, чўлларни ўзлаштиришга сарфлаш ўрнига қуролланишга зўр берилаётган ҳозирги пайтда тинчликни сақлаш ниҳоятда муҳим. Бунинг учун мамлакатимизнинг мудофаа қудрати бақувват, экономикаси ривожланган бўлиши лозим. Тайганинг оғир шароитларида янги нефть-газ конларини ўзлаштираётган жасур кишилар тинчлик ишига ҳисса қўшишни, халқимиз турмушини фаровон қилишни кўнгилларига тугишган. Улар сафида серқуёш Ўзбекистон вакиллари ҳам бор эканлиги қалбни фахр-ифтихор ҳисларига чулғайди.

Шундай ўй-хаёллар оғушида уч ярим соат учиб, Кустанай шаҳрига етиб келдик. Ярим соатлик танаффусда самолётларнинг экипажлари алмашди. Биз эса учишда давом этдик. Яна икки ярим соатдан сўнг Ғарбий Сибирнинг кичик шаҳарчаси —Урайга қўндик. Ғафур Валиевнинг ўйлаганидек бўлиб чиқди. Бу ерга анча кеч етиб келгандик. Группанинг ярми битта вертолётда Нях посёлкасига учиб кетишга улгурди. Биз иккинчи группада шошилинч равишда вертолётга ўтирдик. Унинг парраклари айланиб, эндигина учишга ҳозирланаётган пайтда бошқарув пультидан экипажга қайтиш ҳақида команда бериб қолинди. Биз қандайдир 15—20 минут кечиккан эдик. Бу — энг дастлабки кутилмаган ҳолат эди. Навбатдаги мушкулот бошланди: ўттиз нафарга яқин ўғил-қизни жойлаштириш, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш лозим. Ғафур Валиев трестнинг Урай участкаси бошлиғи Ю. Ротаненко ёрдамида шуларнинг ҳаммасини бекаму-кўст ташкил этди. Кечқурун болалар тинчиб, уйқуга кетишгач, Валиев ўзини бироз енгил ҳис этди-да, гап қотди: «Ҳаммаси майли-я, бир маросимдан кечикдик-да». Қизиқсинаётганимни кўриб, у гапида давом этди: «Етиб борамиз деб мўлжаллагандим. Чунки бугун рафиқам Мунирахнинг туғилган куни. У посёлкадаги дугоналари, қўни-қўшнилари билан бизни дастурхон атрофида кутаётганди. Ҳечқиси йўқ, эртага бу маросимни бирга нишонлаймиз».

Эртаси куни бир ярим соат вертолётда учиб, Нях посёлкасига етиб бордик. Қарийб саккиз соатлик учиш, Урайдаги ҳаяжонланишлар катталарни ҳам, болаларни ҳам толиқтирганди. Вертолёт ойнасидан ўзларининг қадрдон посёлкалари кўриниши билан ўғил-қизлар хурсанд бўлиб кетишди. Кўп ўтмай улар ота-оналарининг бағрида эдилар.

Валиев бир четда туриб уларга мамнунлик билан қарарди. Ана шу онларда ўзи айтгандек, бутун чарчоқлари ёзилаётганди. Кўп ўтмай трестдан юборилган автобусда Ўзбекистон йўлсозларининг посёлкасига қараб йўл олдик. Табиийки, у ерда Валиевни янги-янги ишлар кутяпти. Олдинга бироз илгарилаб шуни айтиш лозимки, пионер-ўқувчиларни лагердан олиб қайтишдаги ташвишлар бу ердаги ишлаб чиқариш, маиший турмуш билан боғлиқ чигал масалалар, қийинчиликлар олдида ҳолва экан. Бир ҳафта давомида у кўп масалаларни, жумладан турар-жой билан боғлиқ муаммоларни кенг фикр юритиб, оқилона ҳал қилганлигининг гувоҳи бўлдик. Уй-жой тақчил бўлиб турган шароитда бир шофернинг рафиқаси уч фарзанди билан кўчиб келиб қолганда асаблар ниҳоятда таранглашди. Анча мулоҳазадан сўнг бу оила янги кўчма вагонлар келгунга қадар вақтинча жойлаштирилди. Валиевнинг ҳар бир куни кишиларнинг ана шундай хайрли ташвишлари билан ўтади.

С. САИДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

69
УЗТЮМЕНДОРСТРОЙ

*

Суратларда: 1. Қарийб икки йилдан бери Тюмень областида меҳнат қилаётган моҳир ҳайдовчи Мамед Аҳмедов. 2. Владимир Дубчев бригадаси аъзолари йўл қурилишида.

Автор фотолари.

*

ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ХАНОЙ. (ТАСС). Бу ерда чет мамлакатлар халқлари билан дўстлик жамиятларининг Совет Иттифоқи, Монголия, Вьетнам, Лаос ва Кампучия делегациялари билан учрашуви ўтказилди. Учрашув қатнашчилари КПСС XXVI съезди илгари сурган 80 йиллар тинчлик программасини, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчлик борасидаги ташаббусларини, СССРнинг ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида яқинда бир томонлама ўз зиммасига олган мажбуриятини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Учрашув қатнашчилари, дейилади қабул қилинган ахборотда, қардош социалистик мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари муваффақиятли ривожланмоқда ва ҳозирги кунда бутун жаҳонда тинчликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

Империализм ва реакция кучларининг ҳаракатлари натижасида ҳозир халқаро вазият кескинлашди. Бундай шароитда дўстлик жамиятларининг энг муҳим вазифаси — империалистларнинг қуролланиш пойгасига қарши, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун, миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун жамоатчиликнинг ғоят кенг табақаларини сафарбар қилишдан иборат.

Ҳужжатда Исроилнинг АҚШ ёрдами билан Ливанга қарши қилаётган агрессияси қатъиян қораланади. Учрашув қатнашчилари бу агрессияни Фаластин, Ливан халқлари ва бошқа араб халқларига нисбатан қилинаётган ошкора қирғинчилик уруши деб ҳисоблаб, унга лаънат ўқидилар ва бу агрессия дарҳол тўхтатилсин ҳамда Исроил қўшинлари Ливан территориясидан сўзсиз олиб кетилсин, деб талаб қилдилар.

Улар Ҳинди-Хитой давлатлари ташқи ишлар министрларининг яқинда Хошиминда ўтказилган конференциясида илгари сурилган таклифларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаганликларини билдирдилар. Вьетнам Социалистик Республикаси, Лаос Халқ Демократик Республикаси ва Кампучия Халқ Республикасининг Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, шунингдек Хитой билан муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган тадбирлари, деб таъкидлаб ўтилади ахборотда, уларнинг яхши ният билан иш кўраётганлигини ва изчил тинчликсевар ташқи сиёсатини ўтказиб келаётганлигини ёрқин ифода этади. Ахборотда «Демократик Кампучия коалицияли ҳукумати» деб аталган ҳукуматнинг реакционерлар томонидан вужудга келтирилаётганлиги ҳам қораланади ва бу нарса Кампучия Халқ Республикасининг ички ишларига аралашиш мақсадини кўзда тутган найранг деб уқтириб ўтилади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ИСРОИЛ ҚОНЛИ АГРЕССИЯНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

БАЙРУТ. (ТАСС). Фаластинликлар билан ливанликлар Америка вакили Ҳабиб орқали Фаластиннинг ҳарбий бўлинмаларини Байрутдан олиб чиқиб кетиш хусусида музокара ўтказаётган бир пайтда Исроил ҳамон қўпол куч ишлатишга зўр бермоқда, Ғарбий Байрут теварагидаги қамал ҳалқасини торайтириб келмоқда. Томонлар эҳтимол тутилган сиёсий битимга эришмай деб қолганликлари тўғрисидаги хабарларга қарамай, Исроил қўшинлари оғир артиллериядан, танклар ва базукалардан фойдаланиб, шаҳарнинг жанубий қисмига яна ўқ ёғдира бошладилар. Узаи, Бурж ал Баражна ва денгиз порти районларига қараб айниқса кўп ўқ отилмоқда. Исроил авиацияси Байрутнинг шарқида Фаластин отрядларининг ва Ливанда тинчликни сақловчи араблараро кучлар таркибига кирувчи Сурия бўлинмаларининг позицияларини ҳадеб бомбардимон қилмоқда.

Айни вақтда агрессорнинг авиацияси Ғарбий Байрутга ёпирилиб ҳужум қилди. Фаластинлик қочоқларнинг Сабра ва Шатила лагерлари, шунингдек шаҳарнинг соҳил яқинидаги кварталлари бомбардимон қилинди. Авиация атака қилиб турган бир пайтда Байрут соҳили яқинига келиб олган Исроил кемаларидан артиллерия ўти очиб турилди. Исроилнинг сионист юқори табақаси фаластинлик араб халқини қириб ташлаш муддаосида қаттиқ туриб олганлиги яққол кўриниб турибди. Бунда у аслида Исроил агрессиясининг шериги бўлган, Тель-Авивнинг Ливандаги позицияларини мустаҳкамлашга уринаётган Қўшма Штатлар ҳукмрон доираларга таянмоқда.

Интервенциячилар Ғарбий Байрутни оч қолдириб бўғиб ташлаш йўлидаги уринишдан қайтмаяпти. Американинг Си-Би-Эс радиотелевизион компанияси мухбири Б. Саймон Ғарбий Байрут билан Шарқий Байрут ўртасидаги контрол ўтказиш пунктларидан бирида бўлиб келгач шундай хабар қилади: исроиллик солдатлар қурол ўқталиб, Шарқий Байрутдан Ғарбий Байрутга бир неча соат мобайнида ҳеч кимни ўтказмадилар. Йўл очилганида эса ҳамма ўткинчиларни тинтув қилиб, уларнинг ёнидаги озиқ-овқат маҳсулотлар ва сувни тортиб олдилар. Улар сувни шу заҳотиёқ ерга тўкиб ташлайбердилар.

Исроилликлар қамалда қолган шаҳарнинг тинч аҳолиси учун халқаро Қизил крест юборган озиқ-овқат ортилган биронта транспортни Ғарбий Байрутга ўтказмадилар. Бу ерда бошпанасиз ва тамаддисиз қолган 150 минг қочоқ айниқса оғир мушкулликларга дучор бўлди.

Бегиннинг фашистлар тўдаси шаҳарда юқумли касалликлар тарқалишига очиқдан-очиқ уринмоқда. Халқаро Қизил крест ғарбий Байрутда сув йўқлиги сабабли тиф ва дизентерия эпидемияси бошланиши мумкин деб норозилик билдирганидан кейин Исроил қўмондонлиги бомбардимон ва ўққа тутиш натижасида водопровод тармоқлари батамом вайрон бўлган шаҳар районларига бир неча соат мобайнида сув бериш тўғрисида фармойиш берди. Натижада ёрилган қувурлардан кўчаларга сув оқа бошлади ва одамлар ифлос лойқа сувларни олиб ичишга мажбур бўлдилар.

Бегин ҳукумати Ливанда турган фаластинликларни жисмоний қириб ташлашга интилиб, Фаластин қаршилик ҳаракатининг бу ердагилар Байрутдаги қон тўкилишини тўхтатиш ва можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш учун асос бўла олади, деб ҳисоблаётган реалистик таклифларини рад қилди. Тель-Авив бу таклифлар билан ҳатто танишиб ҳам чиқмасдан, уларни шошмашошарлик билан рад этди, халқаро кучларнинг Байрутга жойлаштирилишига зўр бериб қаршилик қилмоқда.

Исроил кабинетининг навбатдан ташқари мажлисида мудофаа министри Шарон, шунингдек кабинетнинг бошқа баъзи аъзолари фаластинликларни Ғарбий Байрутдан кўчириб олиб кетишнинг таклиф этилган муддатлари хусусида салбий фикр билдирдилар. Мажлисда Исроил ҳукумати БМТ кузатувчиларининг Байрутда жойлаштирилишидан ва хавфсизлик кенгашининг тегишли резолюциясини бажаришдан бош тортаётганлиги яна таъкидланди. Фаластиннинг ҳарбий бўлинмалари Ғарбий Байрутдан олиб чиқиб кетилиши эҳтимоли борлиги сабабли Бегин ҳукумати ўз қўшинларини 1 августдаги операциягача Байрутда эгаллаб турган позицияларидан чекинтиришдан ҳам бош тортди. Шундай қилиб, Исроил ҳукумати Фаластин қаршилик ҳаракатига ҳарбий-сиёсий тазйиқни кучайтириш йўлини давом эттираётганлигини, фаластинликлар мудофаасини парчалаб ташлашга ва унинг кучларини қисмларга бўлиб йўқ қилишга, шу тариқа Фаластин қаршилик ҳаракатини имкони борича қисқа муддатда таслим бўлишга мажбур қилишга интилаётганлигини яна бир карра кўрсатди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОФИЯ. Болгарияда анъанавий денгиз ҳафталиги тугади. Бу сафар ҳафталик Балчик шаҳрида бўлиб ўтди. Бу ерда байрамнинг энг асосий тадбирлари ўтказилди. Шаҳарнинг минглаб меҳмонлари ва туристлари бу ерда ташкил этилган «одам ва денгиз» виставкасини томоша қилдилар. Болгария денгиз манзараларини чизувчи рассомларининг экспозициялари республиканинг денгиз соҳилида жойлашган бошқа бир қанча шаҳарларида ҳам очилди. Дам олувчилар адабий кечаларда, денгизчилар билан учрашувларда, Болгар—Совет дўстлиги кечаларида иштирок этдилар. денгиз мавзуига бағишланган фильмларни томоша қилдилар. Балиқчилик спорти ва сув спорти турлари бўйича ўтказилган мусобақалар кўплаб томошабинларни жалб этди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий районларида иш кўраётган сепаратчи группалардан бирининг бошлиғи Х. Н. Шарма ихтиёрий равишда маъмурларга асир тушди. У маъмурларга экстремист группаларнинг қўпорувчилик фаолиятини тугатишда имкони борича ёрдам бериш ниятида эканлигини айтди. Манипур САР министри Р. Кейшинг Х. Н. Шарманинг бу қарорини табриклаб, сепаратчи тўдаларнинг бошқа аъзолари ҳам унинг кетидан борадилар, деб ишонч билдирди.

НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда Хиросимага атом бомбаси ташланган куннинг 37 йиллиги муносабати билан урушга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди.

Нью-Йоркнинг минглаб аҳолиси милитаризмга қарши шиорларни баландовоз билан айтиб, Рейган маъмуриятидан телбаларча қуролланиш пойгасига дарҳол чек қўйилишини ва ўзининг реакцион сиёсий йўлидан воз кечишини талаб қилиб, шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

Нью-Йорк шаҳар кенгашининг аъзоси М. Фридландер хоним бундай деди: «Америка халқи вашингтонлик раҳбарларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни барбод этишга бўлган уринишини осойишталик билан кузатиб тураолмайди. Мамлакатда урушга қарши ҳаракатнинг тобора кучайиб бораётганлиги бунинг далилидир. Бу ҳаракат Америка халқи турли табақаларининг социал адолат ва гражданҳуқуқлари учун кураши билан уйғунлашиб кетади».

ТОКИО. «Япониядаги Америка ҳарбий базалари тугатилишини талаб қиламиз!» «Йўқолсин Япония—Америка ҳарбий иттифоқи-» —ана шундай шиорлар остида Американинг Ивакуни базаси яқинида оммавий намойиш бўлиб ўтди. Намойишни атом ва водород қуролини тақиқлаш учун Умумяпония кенгаши уюштирган.

АНТАНАНАРИВУ. Мамлакатнинг 1982—1983 молия йили бюджетида иқтисодий мустақилликка эришиш, халқаро валюта фондига қарамликни камайтириш учун Маврикия саноати ва қишлоқ хўжалигини юксалтириш кўзда тутилган. Ҳукумат Маврикия қонун чиқарувчи мажлисига тасдиқлаш учун бюджет лойиҳасини тақдим этди.

Янги бюджетда давлат ҳаражатлари 4,9 миллиард рупия миқдорида белгиланган. Қишлоқ хўжалиги, балиқ саноати ва табиий ресурслар, ишлар министрликларига, шунингдек иш билан таъминлаш, социал таъминот ва миллий бирдамлик министрлигига энг кўп маблағ ажратилмоқда. (ТАСС).

Юбилей йилида ҳар гектар майдондан 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга азму қарор қилган Олтинкўл районидаги «Октябрь» колхози меҳнаткашлари учун хўжалик правлениеси ва партия ташкилоти томонидан барча зарур қулайликлар яратилган. Чунончи, дала шийпонларида болалар боғчалари ташкил этилган, медицина ходимлари тез-тез деҳқонлар ҳузурига келиб туришибди. Айни чоғда пахтакорлар бевосита даланинг ўзида кундалик газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Суратда: Маслаҳат алоқа бўлими почтальони Ўлмас Умаров «Октябрь» колхозининг 13-бригадасига деҳқонлар учун янги газеталар, телеграммалар ва хатларни келтирган пайт.

А. Мирзажонов фотоси.
(ЎзТАГ).

ХАР ТЎҒРИДА

КИМНИНГ МУНДИРИ ЧИРОЙЛИ?

Прагадаги ҳарбий музейда одатдан ташқари бўлмаган кўргазма очилди. Унда асримиз бошларида солдатлар ва офицерлар киядиган кундалик ва парад кийим-кечаклари кенг ўрин олган. Кўпгина экспонатлар худди Ярослав Гашекнинг солдат Швейкнинг саргузаштлари ҳақидаги машҳур китоблари саҳифаларидан чиқиб келганга ўхшайди. Бу экспозицияни жанг ва тўқнашувларни ифодаловчи турли расмлар ҳам безаган.

АЖОЙИБОТЛАР ЯРМАРКАСИ

Бир ҳафта мобайнида Лозаннада кўз бойловчиларнинг 15-Халқаро конгресси бўлиб ўтди. Швейцарияга Болгария, Голландия, Англия, Италия, Австрия, Америка Қўшма Штатлари, Бельгия, Испания, Франция ва бошқа кўпгина малакатлардан келган замонавий афсунгарлар маҳоратлари сирлари билан ўзаро ўртоқлашдилар, янги оригинал номерларни намойиш қилдилар. Тўғри, уларнинг ҳаммаси ёпиқ эшиклар ортида бўлиб ўтди. Мажлислардан сўнг кўз бойловчилар шаҳар кўчаларига чиқишди ва йўловчиларни, айниқса болаларни хурсанд қилиб бевосита кўчанинг ўзида сирли номерларни кўрсатдилар. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш керакки, иллюзионистларнинг иши йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Конгресс ишида қатнашган журналистлар кишиларнинг «йўқолиб» қолишини ва қайтадан «пайдо бўлишини» намойиш қилаётган замонавий афсунгарлар ўта мураккаб ва ниҳоятда қимматбаҳо электрон жиҳозлардан, физика, химия, математика фанининг сўнгги ютуқларидан фойдаланаётганликларини таъкидладилар. Бу ўринда кишининг «буғланиб» кетишин намойиш қилинадиган апарат 5 минг долларга зиёд туришини айтиб ўтиш кифоя қилади. (ТАСС).

ЗИЁЛИЛАР ОИЛАСИ

Чироқчи район матлубот жамиятиға қарашли нон комбинати директори Авлақул ака Амирқуловни кўпчилик дилкаш инсон, ташкилотчи, тадбиркор ишбоши сифатида яхши билади. Айни пайтда бу Берлин остоналаригача жанг қилиб борган Улуғ Ватан уруши ветерани ҳавас қилса арзигулик оиланинг бошлиғи ҳамдир. Умр йўлдоши Каромат ая пенсияда. Оилада 8 нафар ўғил-қиз ўсиб, вояга етди. Фарзандлару, келинлар, набиралар дастурхон атрофида давра қуришса, 26 нафарга етади. Оила аъзолари тинч, фаровон ва аҳилликда ҳаёт кечиришмоқда.

Авлақул ака ва Каромат аяларнинг фарзандлари ҳам ота-оналари изидан бориб, эл олқишини олишяпти. Ботир — район комсомол комитетининг биринчи секретари. Гулчеҳра — ҳамшира. Баҳром ички ишлар бўлимида бош терговчи, унинг умр йўлдоши Юлдуз олий маълумотли педагог, район мактабларининг бирида ўқитувчилик қилади. Мюльс «Облколхозстрой» трестида участка бошлиғи бўлиб ишлаяпти. Турмуш ўртоғи Турсунтош эса олий маълумотли шифокор. Рустам ва унинг рафиқаси Мавжуда савдо ходимлари. Эркин Тошкент политехника институтида таҳсил кўраётган бўлса, Алишер Бухоро технология институтининг студенти. Набиралар эса ўрта мактаб ўқувчилари ёки болалар боғчаси тарбияланувчиларидир.

Б. ЭЛМУРОДОВ.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН

Нуротадаги «Қизилча» давлат наслчилик заводининг чорвадорлари хўжалик маблағлари ҳисобига олис фермада қурилган янги мактаб-интернатни СССРнинг 60 йиллиги номи билан атадилар. Бу ерда ишлаётган чорвадорларнинг болалари энди чўпонлар посёлкасида ўрта мактабни тамомлаш имкониятига эга бўлдилар.

Педагоглар учун уй-жойлар қурилди, ошхона барпо этилди, спорт майдончалари ташкил қилинди. Чорвадорлар болаларнинг овқатланиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилдилар. Мактаб ошхонаси учун сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар ферманинг ёрдамчи хўжалигидан етказиб берилади.

КОЛХОЗ КЛУБИДА УЧРАШУВЛАР

Қишлоқнинг энг яхши меҳнатчилари билан учрашув-кечалар ташкил этиш тадбири Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхоз клубида илғор сут соғувчи Ҳалима Исломованинг суҳбати билан бошланди. Суҳбат қатнашчилари — колхозчилар, мактаб ўқувчилари Исломованинг кўп сут соғиб олиш «сирлари», сут-товар фермасининг ходимлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳикояни гоят қизиқиб тингладилар. Кеча бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг концерт қўйиб бериши билан тугади. Улар сут соғувчилар ёқтирган қўшиқ ва рақслар ижро этдилар.

Бухоро области

(ЎзТАГ мухбири).

ИЛҒОРЛАР ШАРАФИГА КОНЦЕРТ ҚЎЙИБ БЕРИЛДИ

Эндиликда Самарқанд районидаги «КПСС XXV съезди» совхоз-заводи маданият уйи халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерт қўйиб берадиган жойини ҳосил йиғим-терими штаби белгилайди. Ҳозирги вақтда бу ерда сабзавот майдонларида, боғларда ҳосилни йиғиштириб олиш қизғин давом этмоқда. Ҳаваскор артистлар тушлик танаффус вақтида иш тугаганидан кейин биринчи навбатда социалистик мусобақа пешқадамлари учун концерт қўйиб берадилар. Улар томошабинларни СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган янги программа фрагментлари билан таништирадилар. Яқин вақт ичида маданият уйида бу программанинг премьераси бўлади — деҳқонлар ва чорвадорлар мамлакатимиз халқлари фольклор куйларини, ҳозирги замон композиторларнинг асарларини тинглайдилар. (ЎзТАГ).

ИЛОНЛАРНИ АСРАНГ

Табиат ва инсон

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган «Қизил китоб» хусусида гап кетар экан, суҳбатдошларимдан бири ўз фикрини шундай баён қилди:

—Эшитишимга қараганда, заҳарли илонлар ҳам ўша китобга киритилган эмиш? Нима кераги бор? Илонни тушингда кўрсанг, лабингга учуқ тошиб, бир ҳафта ухламайсан-у, яна кўра-била туриб, уни тирик қўйиб юборасан?! Менингча, заҳарли илонларни тирик қўйиб юбормаслик керак. Ота-боболаримиз илон ҳақида сўз юритиб, «Тушингда кўрсанг ганж, ўнгингда кўрсанг янч», деб бекорга айтишмаган. Қанча фойдали бўлмасин, илон илонлигини қилади. Навоий ҳам айтган-ку: «Заҳар сочмоқ эрур касби илоннинг» деб.

Суҳбатдошим анчагина ўз фикрини ҳаммага маъқул қилишга уринди, масала охиригача ҳал бўлмади. Шу туфайли мен бу масаладан бошқалар ҳам хабардор бўлсин, деган умидда кўпгина адбиётларга мурожаат қилдим, ўзим ўқиган, ўрганган фактлар асосида фикримни улар билан ўртоқлашмоқчи бўлдим.

Ёзнинг иссиқ кунларида чўлда, айниқса қумлоқларда биринчи бўлиб кўзга ташланадиган нарса —ҳамиша у ёқдан бу ёққа елиб-югурган калтакесаклар кишининг диққатини ўзига тортади. Инсон ўзини улкан террариум-судралувчилар асраладиган махсус хонага кириб қолгандек хис қилади. Унинг кўз ўнгида калтакесаклар жонланиб, энг иссиқ жазирама кунларда ҳам саҳрога жон бахш этиб, жонсиз чўлларни ҳаракатга келтиргандек, одамлар оғзида афсона яратган заҳарли илонлар шунчаки бир тўқимадек туюлади.

Ҳа, у ерларда чўлнинг доимий жониворларидан бўғма илонлар ҳам тез-тез учраб туради. Бўғма илонлар икки хил бўлади, қум илони ва шарқий илон. Қум илонлари Ўрта Осиё, Марказий Қозоғистон, Шарқий Кавказ олди қумлик зоналарида, иккинчи тур илонлар эса Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг сернам зоналарида яшайди. Уларнинг думи тўмтоқроқ бўлгани учун маҳаллий аҳоли икки бошли, ҳар икки томонга ҳаракат қила олади, деб ишонади. Бу илонлар унча узун эмас —1 метрга етади. Ранги тарғил, тим-тарғил, холдор. Узун бўлмаслигига қарамай, йирик жониворларни овлайди, бақувват, кучли танаси билан рақибини чулғаб, узун, ўткир тишларини унинг баданига санчади. Шу тариқа бўғма илонлар кўрсичқон, каламуш, калтакесак, баъзи парранда ва ҳашаротлар билан тирикчилик қилади. Улар иссиққа чидамсиз, шу туфайли ёз кунларида кўпинча кечаси ов қилишади. Апрель, май ойларида кундузи ов қилаётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Мода илон ўнтагача тухум қўяди. Бўғма илонлар инсон учун мутлақо зарарсиз. Улар кемирувчиларни қириб, фойда келтиради.

Майли, буниси зарарсиз экан, бошқаси-чи? Баҳс пайтида шундай савол туғилиши мумкин. Асосий гапни бошлашдан олдин 1930 йилда чоп этилган «Вокруг света» журналининг 25, 26-сонларига бир назар ташлайлик.

«Илонлар ҳадсиз-ҳисобсиз, —ёзади журнал. —Ҳамма ерда —қум барханлари орасида, лойқаси қуриган тақирларда, шўрхок ботқоқликларда, воҳалардаги чаман боғларда —ҳар қаламда кулча бўлиб олган газандаларни учратишингиз мумкин, ҳамма ерда уларнинг эгри-бугри изи.

Яқиндагина кўчманчи туркманлар илонларни «Саҳро даҳшати» ҳисоблашарди. Эндиликда илон саҳро нони ҳисобланади... Илонлар фақат чақиш, яралаш, одамларни ўлдиришга қодир бўлмай, балки эндиликда катта фойда келтирадиган бўлиб қолди.

1928 йилнинг бошларида Ўрта Осиё давлат савдо муассасалари Туркманистон Давлат савдо муассасалари билан биргаликда илонларга қарши юриш эълон қилишди. Ўртага қатъий шиор ташланди:

—Душманимиз бўлмиш илонларни ўлдиринг, шафқатсиз қиринг, қанача кўп қирсангиз —шунча яхши! Илон териларини бизга топширинг. Биз унинг эвазига газлама, тамаки, қанд, совун, темир буюмлар берамиз. Илон терилари —бу олтин пул!

Илон териси чет элларда сўнгги мода. Илон териси пишиқлиги билан ажралиб туради. Ундан ридикюль ва ҳасса дасталари, китоб муқовалари ва бошқа ноёб буюмлар тайёрланади. Мода бизга олтин пул келтиради.

Давлат савдоси ходимларининг шиори сувга ташланган тош бўлиб қолмади. 1928 йилда биргина сув илонининг 60 мингтадан зиёд териси тайёрланди. Катталар ва кичиклар, хотинлар ва чоллар, ҳатто болалар илон тутиш, ўлдиришга сафарбар этилди. Илон тутиш усуллари ҳам ҳар хил эди, албатта. Махсус энтемонологик саватдан тортиб то айри, ёғочгача...

Айниқса, илонни қил тузоқ билан тутиш самаралироқ...

1929 йилда Ўрта Осиёда бир миллион донадан кўпроқ илон терилари тайёрланди. Бу йил бу рақамни икки баробар кўпайтириш кўзда тутилмоқда..»

Катта очеркдан келтирган бу парчадан кўриниб турибдики, ўша йиллари илонларга қарши чинакам қирғин бошланган эди. Бундай қирончилик қирқинчи йилларнинг биринчи ярмига қадар давом этди. Оқибатда нима бўлди? Илонлар, энг фойдали, медицина учун зарур бўлган заҳарли илонлар кескин камайиб, уларнинг бутунлай йўқолиб кетиш хавфи туғилди. Эндиликда олимлар йўқолиб кетаётган турларни қандай сақлаб қолиш ҳақида бош қотирмоқдалар.

К. И. Скрябин номидаги Москва ветеринария академияси зоология кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор Андрей Григорьевич Банниковнинг ёзишича, «Яқин-яқинларга қадар кенжа гурдаги умуртқали судралувчиларга кам эътибор берилди. Сўнгги йилларда заҳарли илонларнинг сони камайиб, уларни муҳофаза қилиш эҳтиёжи туғилди».

Илонлар шафқатсиз равишда йилига миллионлаб қирғин қилинганидан буён ярим аср чамаси вақт ўтди. Қирқинчи йилларнинг биринчи ярмига қадар давом этган қирончилик натижасида кўпгина фойдали жониворлар қирилиб кетди, табиат қашшоқлашди. Эндиликда яна ўша зиённи тиклаш учун асрлар зарур бўлади. Лекин тиклаш, олдинги ҳолига келтириш мутлақо қийин. Сабаби, илонлар, айниқса, заҳарли илонлар йил сайин йўқолиб, табиат тобора қашшоқлашиб бормоқда.

Бунга сабаб, биринчидан, биз юқорида айтган шафқатсизлик бўлса, иккинчидан, илонлар яшайдиган катта-катта территорияларнинг торайиб боришидир. Харитага бир назар ташланг: ҳамма жойда қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилмоқда. Қорақум канали барпо этилиши туфайли саҳрога янги ҳаёт келди, илонларнинг яшаш территорияси яна қисқарди. Чўллардаги жониворлар узоққа чекинишига ёки табиий йўқолишга мажбур бўлди.

Табиатнинг тобора қашшоқлашиб бориши натижаси олимларни ташвишга солди. Қирғиннинг олдини олиш чоралари белгиланди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда илонларнинг бир қанча турлари халқаро «Қизил китоб»га киритилди. Демак, бу турларнинг сақланиб қолишидан бутун дунё манфаатдор.

«Қизил китоб» нима? Бу — йўқолиб бораётган у ёки бу ҳайвонот ёҳуд ўсимлик турларини сақлаб қолиш хусусидаги хавфдан дарак берибгина қолмай, балки уларни сақлаб қолиш юзасидан ҳаракат қилиш ишлари программасидир. Демак, ҳамма ерда жамоат, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, мактаб ўқувчилари бу қонунга бўйсунишлари зарур. Қонунни бузган, қоидага бош эгмаган кишилар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Безгакнинг ўзидан кўра, иситмаси ёмон дейдилар. Илон ҳақидаги миш-мишга келганда, илоннинг заҳридан кўра, вас-васаси қўрқинчлироқ. Ҳақиқатан ҳам илон одамга зиён қиладими? Ўзбекистонда илон чақиши туфайли ҳалок бўлган бирорта одамни мисолга келтириш қийин. Бундай ҳол Туркманистонда бўлган, дейишади. Аммо бунга ҳам мисол етарли эмас. Келинг, яхшиси заҳарли илонларнинг яшашига бир назар ташлайлик, масала аниқроқ бўлсин.

Ўқилон — сувилонсимонлар оиласининг бир тури. Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Эронда тарқалган. Ўзбекистоннинг барча областларида учрайди. Саҳроларда, қумлоқ ёки қаттиқ тупроқли ёҳуд шўрхок ерларда, оқ ва қора саксовул, қизилча, қандим каби дарахт, бута ва чала бута ўсимликлар билан қопланган ерларда учрайди. Илон калтакесакларга ҳужум қилар экан, ўлжасига учиб боргандек бўлади. Одамлар орасида ўқилон одамга найзадек отилиб, дарҳол ўлдиради, деган афсона бор. Аммо бу нотўғри. Ўқилоннинг заҳари калтакесакни 5—6 секундда ўлдиради. Унинг заҳарли тишлари юқориги жағининг орқа қисмида жойлашган. Шу туфайли у одамга мутлақо зарарсиз.

Қум чархилони (эфа): заҳарли қораилонсимонларнинг бир тури бўлиб, Африканинг Экватордан юқори — шимолий қисмида ва Жанубий Осиёда Арабистондан то Ганг дарёсига қадар) тарқалган. СССРнинг Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларида бу уруғнинг қум чархилони деган тури учрайди. Узунлиги 75 сантиметр ва ундан ортиқ бўлади. Думининг остида бир қатор кўндаланг тангалари бор. Илоннинг танаси анча йўғон, бақувват, қўнғир, кулранг ёки сариқ қум рангида. Чархилонни чўчитган ёки безовта қилган пайтда вишиллаб, ярим доира шаклини олади. Аста кўтарилган бошини ярим доира ўртасига олади. Бу пайтда чархилоннинг узун гавдаси тезда чўлғаниб, кулча бўлади ёки аста ёйилади. Баъзан унинг вишиллаши қизиган темир устига қуйилган сув томчисини эслатади. Бу ён тангачаларининг ишқаланиши туфайли чиқариладиган товуш.

Чархилон ёзда фақат кечаси чиқади, кундузи сичқон ва каламушлар уясида, қум остида салқинлайди. Йилнинг бошқа фаслларида уни кундузи ҳам учратиш мумкин. Қишда ва жазирама кунлари кўрсичқонлар, юмронқозиқлар уяси, жарликлардаги каваклар, чор деворлар чархилонларнинг қароргоҳи бўлади. Чархилонлар олдиндан ўзлари заҳарлаган кўрсичқонлар, калтакесаклар, сичқонлар, майда илонлар билан тирикчилик қилишади. Ёш чархилонларнинг асосий овқати чаёнлар, чигиртка ва бошқа ҳашаротлардан иборат. Чархилонлар тирик бола туғади. У ўта заҳарли, унинг заҳрига мубтало бўлган киши дарҳол медицинага мурожаат қилиши лозим. Шунга қарамай, чархилонлар заҳридан ҳалок бўлган кишилар йўқ даражада.

Кобралар: уларнинг номи ҳам ҳар хил юритилади — қошиқбош илонлар, капчаилонлар, телпакилонлар, қалқонли илонлар, наялар, кўзойнакли илонлар. Уларнинг 12 тури бор. Жанубий Осиё, Африкада кўп тарқалган. Бу илонларга «кобра» номи португалиялиқлар томонидан берилган, улар уни «телпакилилон» деб атаганлар. Асли уларни қалқонли илонлар, дейилса жуда мос келарди. Бу турга кирадиган илонларнинг гавдаси чўзинчоқ, думи узун ва боши кичкина бўлиб, бўйнидан яққол ажралиб турмайди. Кўзлари кичкина, қорачиғи тўгарак. Юқори жағининг олдинги қисмида катта заҳар тишлари бор. Кобралар одамни кўрган пайтда гавдасининг олдинги учдан бир қисмини ердан юқорига ғоз кўтариб, бўйнини шиширади ва даҳшатли кўринишда аввал секин, кейин тез тўлғаниб, душман томонга ўрмалайди. Уларнинг бундай ҳайбатли кўриниши ва ўткир заҳари одамларда таъсир қолдириши натижасида бу илон ҳақида, хусусан, шарқда кўп афсоналар тўқилган. Кобралар, гарчи дарахтларга ўрмалаб чиқсалар-да, асосан ерда яшайдилар, сувда сузиб юришни хуш кўришади. Уларнинг барча турлари тухум қўйиб кўпаяди. Фақат чўчитилганда ёки безовта қилингандагина одамга ҳужум қилади, бошқа пайтларда одамлардан, иложи борича, ўзини яширишга ҳаракат қилади. Юқорида айтганимиздек, Ўрта Осиё кобраси «Қизил китоб»га киритилган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мабодо одамлар безовта қилмаса ёки тинчлигини беҳудага бузмаса, илонлар ҳеч қачон биринчи бўлиб одамларга ҳужум қилмайди. Демак, бекордан-бекорга уларни безовта қилишга чек қўйиш зарур. Сен тинч — илонлар тинч тарзида иш тутиш лозим. Ҳозирги кунларда кўпгина ҳаваскорлар террариумда асраб, кўпгина заҳарли ва ноёб илонларни нобуд қилишмоқда. Қонунга асосан заҳарли илонларни махсус рухсатномасиз ушлаган, ўлдирган кишилар маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилади.

Битта-иккита газанда камайса-камайибди-да, дунё алғов-далғов бўлиб кетармиди, дегувчи кишилар шундан огоҳ бўлсинлар: битта илондан йилига олинадиган қуруқ заҳардан юзлаб кишилар шифо топади. Илонлар кўп тарқалган мамлакатларда уларнинг заҳаридан илон чақишга қарши ишлатиладиган зардоблар тайёрланади. Бизнинг мамлакатимизда Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистонда махсус илон фермалари ташкил этилиб, йил сайин фармацевтика корхоналарига кўплаб шифобахш заҳарлар юборилмоқда. Илонларни сунъий равишда урчитиш ишлари йўлга қўйилмоқда. Илонлар шифокорликнинг энг ноёб малҳамларидан бирига айланмоқда.

Илонлар фойдали, уларни авайланг. Илонларни қийнаган, қирғин қилган кишиларнинг йўлини тўсинг.

Ҳайитбой ҲАКИМОВ.

Спорт

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

«Локомотив» — «Гурия» учрашуви билан мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида навбатдаги турга ниҳоя ясалди.

Москвада бўлиб ўтган бу учрашувда «Локомотив» футболчиларининг омади келди. Улар рақибларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар ва қимматли икки очкони қўлга киритдилар. Бу ғалабадан кейин темирйўлчилар ҳисобидаги очколар 31 тага етиб, улар турнир жадвалида пешқадам бўлиб олдилар.

Биринчи лигада навбатдаги тур учрашувлари пешқадамлар сафида бораётган коллективлар учун муваффақиятсиз бўлганлигини таъкидлаш керак. Бу тургача биринчи-иккинчи ўринларни банд этиб турган Вильнюснинг «Жальгирис» ва Душанбенинг «Помир» командалари ўзгалар майдонида тўп суришиб, рақибларига ютқазиб қўйишди. Масалан, вильнюслик футболчилар Ворошиловград шаҳрида маҳаллий «Заря» клуби билан бўлган учрашувни 0:1 ҳисобида бой беришди. «Помир» ҳам Одессанинг СКА командасига шундай ҳисобда ютқазиб қўйди. Ўз майдонида «Шинник» командасини қабул қилиб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган «Нистру» очколарини ўттизтага етказиб, «Жальгирис» ва «Помир» командаларига етиб олди.

Ўйинлар жадвалининг қуйи поғоналарида айтарли даражада ўзгариш бўлганы йўқ. Сафарда «Таврия» командаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган «Звезда» футболчилари ҳамон «хавфли» зонада турибдилар.

Навбатдаги тур учрашувларидан кейин биринчи лига коллективлари қуйидаги ўринларни банд этиб турибдилар:

	У	О
«Локомотив»	24	31
«Жальгирис»	24	30
«Нистру»	23	30
«Помир»	23	30
«Факел»	24	30
«Колос»	23	29
«СКА» (Ростов)	24	25
«Даугава»	24	25
СКА «Карпати»	24	25
«Искра»	22	24
«Металлург»	23	23
«Заря»	24	23
СКА (Одесса)	24	23
«Шинник»	24	23
«Ротор»	24	22
«Таврия»	24	21
«Динамо»	24	21
«Гурия»	24	20
СКА (Хабаровск)	24	20
«Звезда»	24	18
СКА (Киев)	24	15
«Спартак»	22	12

МАВҚЕНИ БОЙ БЕРИШДИ

Чим хоккей бўйича хотин-қиз командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги турида пешқадамлар сафида ўзгариш бўлмади.

24 учрашувдан кейин 38 очко тўплаган Москванинг СКИФ командаси якка пешқадам бўлиб турибди. Иккинчи ўринда Москва областининг «Спартак» командаси боряпти. Спартакчилар сафарда Горькийнинг ТТУ коллективи билан икки бор куч синашишди. Дастлабки учрашув 1:0 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига тугади. Такрорий учрашувда эса спартакчиларнинг айни шундай ҳисобда омади келди. Натижада улар ҳисобидаги очколар 34 тага етди.

Спартакчилардан кейинги учинчи ўринни Олмаотанинг «Связист» клуби эгаллаб турибди. Республикамиз вакиллари — Тошкент областининг «Политотдел» ва Андижоннинг «Андижанка» командалари 24 учрашувдан кейин 22 тадан очко тўплаб, 6—7-ўринларда боришяпти.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 13 августда чиқади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ПАЙШАНБА

12 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Бодрингча саргузашти». «Уч банан». Мультфильмлар.
10.05 Октябрь революцияси номидаги Москва музикали билим юрти баянчилар оркестрининг концерти.
10.30 «Учишга рухсат берилади». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
10.55 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
12.05 Ишлаб чиқариш гимнастикаси.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.00 Болалар учун фильм. «Ҳайвон ўргатувчилар». 6- ва 7-сериялар.
16.55 Рус тили.
17.25 СССР билан ГФР ўртасида Шартнома имзоланганлигининг йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси: «СССР — ГФР ҳамкорлиги», «Тинчлик ва дўстлик поезди».
18.05 Тожикистон ССР «Дўсти» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
18.35 «Брянск йўллари». Қишлоқ йўллари қурилиши тажрибасидан. Кўрсатувда КПСС Брянск область партия комитетининг биринчи секретари Е. И. Сизенко иштирок этади.
19.05 «Вася Буслик ва [illegible] дўстлари». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Алоҳида ғамхўрлик» «Жойида ҳал қилинади» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
20.25 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.
21.30 «Время».
22.05 РСФСР халқ артисти композитор Я. Френкелнинг авторлик кечаси.
23.25 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Останкино концерт студиясида СССР халқ артисти Г. Товстоногов билан учрашув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Серенада». Музикали адабий композиция.
21.30 «Время».
22.05 «Ўйлаш учун уч кун». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув программаси (такрорий).
12.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
13.00 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ираннинг кундалиги». Болалар учун кинофильм.
18.20 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
19.00 «Ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар». Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, комплекс қурилиш бригадаси бошлиғи Н. Кўчқоров билан учрашув.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 И. Исоқов ва М. Орипов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.25 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия.
23.35 Янгиликлар.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета
Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21. 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34. 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 06475. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1087. 13